Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

3 май 1988 йил
СЕШАНБА
№ 100 (4.296).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

БИЗ ИШОНАМИЗ: ҚАЙТА ҚУРИШ ҒАЛАБА ҚИЛАДИ

Москванинг Қизил майдонида 1 Май намойиши

Биз Ленин ҳузурига бораяпмиз. Фикр-ўйларимиз, режаларимиз, ишларимизда унинг номини ҳамиша ёдда тутамиз. Бу ерга, Қизил майдонга олиб келадиган мазкур йўл алоҳида маъно касб этади. Йўлбошчи Мавзолейига келувчи одамлар оқими тинмайди. 1-пост соқчиларининг фахрий вахтаси мангу давом этгусидир.

Бугун соқчилар орасида оддий аскарлар — Александр Костин билан Василий Ермолинлар бор. Уларнинг бир текис одим ташлаб келиши Биринчи Май байрами бошланганидан дарак берувчи Курант бонгига ҳамоҳанг бўлиб кетади.

Биз тантаналар бошланишидан аввал ёш солдатларга мурожаат этиб, уларга:

— Ленин номи сизларга қай маънони билдиради? — деб савол бердик.

— Ильич ҳузурига келган минглаб кишиларни кўрганингда, у инсонлар дилида қандай из қолдирганини тушунар экансан, киши. У бошлаган иш бениҳоя катта ва ҳаётийдир, — деб жавоб қайтаради Александр.

— Фахрий қоровулда туриш айни сенга ишониб топширилганини англаганингда, қувончдан ичингга сиғмай кетасан, — дейди Василий. — Бутун дунёнинг нигоҳи Кремлга, Қизил майдонга тикилган. Халқимиз турмушидаги энг муҳим воқеалар шу ерда содир бўлади. Бизнинг постимиз ер юзидаги ҳамма кишиларнинг кўз ўнгида.

Бугун ер юзи меҳнаткашлари халқаро бирдамлик кунини нишонламоқдалар. Улар Москвага умид кўзи билан боқадилар. Бу ердан мамлакатнинг миллион-миллион оммаси қалбига қайта қуриш ғайрат солади. Қайта қуриш бизни Ленинга ва Ленинни бизга яқинлаштирди.

Мамлакат уч йилдан буён янгиланиш йўлидан бормоқда. Биз Ленин номи ва ишларини ҳамиша ёдда тутамиз. Ҳаёт, ёшлик нишоналари, социализмнинг жозибадор кучига ишонч янада ёрқинроқ ва яққолроқ бўлиб қолди.

Бизнинг баҳор байрамимиз — янгилик қуртаклари гуркираб ўса бошлаган пайт. Ленинча демократиялаш ва ошкоралик, кооперация ва хўжалик ҳисоби ғоялари бамисоли кечаги қордан халос бўлиб, бўй чўза бошлагандек. Фаолиятимизнинг ҳамма майдони ҳам қори эриган кўкламги сўлқилдоқ ерларга ҳали айланганича йўқ. Янгилик ўзига қийинчилик билан йўл очиб бормоқда. Мўл ҳосил олиш учун ҳали тер тўкиб меҳнат қилишга тўғри келади. Аммо бугунги умидимиз албатта ушаладиган, ўринли умиддир. «Порлоқ тонгларга» кўрқўрона ишониш, кимнингдир «қаттиққўллигига» ишониш бу умидга асос қилиб олинмаган. Ижтимоий тараққиёт қонунларини англаш, кенгайиб бораётган демократиялаш ва ошкоралик, иқтисодий ҳисоб-китоблар муваффақият қозонишимизга умид бахш этади.

Қизил майдоннинг камтарона, вазмин либосида шу ғоялар акс этган. Маркс, Энгельс, Ленининг портретлари Қизил алвонда тасвирланган. Зангори осмон фонида инсониятнинг орзу ва умидларини ифодаловчи «Тинчлик» сўзига кўзингиз тушади. Унинг ёнида жамики меҳнат аҳлининг қардошлиги рамзига айланган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган шиор. Ўнг тарафда бугунги куннинг шиорлари: «Демократия, қайта қуриш, жадаллаштириш», XXVII рақами ва «Партия съезди йўлидан», «КПСС Бутуниттифоқ XIX конференцияси», «Ядросиз дунё учун».

Кремлнинг Сенат минорасига СССР герби қўйилган. Бу герб Кремль деворига осилган иттифоқдош республикалар гербларини бамисоли бирлаштириб турибди. Қизил байроқлар қуршовидаги мамлакатнинг Ўроқ ва Болға тасвири туширилган давлат байроғи ҳилпирайди.

Йиғма духовой оркестрнинг қудратли марши байрамнинг тантанали дебочаси бўлиб янгради. Бу оркестр корхоналар ҳаваскорлик коллективлари ва ёш карнайчиларидан ташкил этилган.

Ранг-баранг қўклам либосидаги йигит ва қизлар майдонни тўлдиришади. Қизил алвонлар, байроқчалар, шарлардан денгиз мавжлангандек бўлади.

Мавзолейнинг марказий минбарига **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. И. Рижков, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Н. В. Талызин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, А. И. Лукьянов, В. А. Медведев, И. В. Капитонов** ўртоқлар чиқадилар.

Таниқли совет ҳарбий бошлиқлари ҳам шу ерда.

Партия ва меҳнат ветеранлари, Октябрь революциясининг қатнашчилари, фронтчилар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, таниқли олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари, СССРнинг космонавт-учувчилари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг, руҳоний ларнинг намояндалари Қизил майдон минбарларида туришибди.

Урғвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Р. Арисменди бошчилигидаги партия делегацияси, Германия Компартияси, Люксембург Компартияси, Кипр Меҳнаткаш халқ тараққийпарвар партияси, МПЛА — Меҳнат партияси, Жанубий Африка Компартияси вакиллари, бошқа ажнабий меҳмонлар ҳам шу ерда. Биринчи Май тантаналарида қатнашиш учун юздан ортиқ мамлакатдан касаба союз ва ишчилар ҳаракатининг, Жаҳон касаба союзлари федерациясининг, бошқа халқаро ташкилотларнинг делегациялари келганлар.

Чет элларнинг СССРдаги дипломатия ваколатхонлари бошлиқлари ҳозир бўлганлар.

«Маркс — Энгельс — Лениннинг буюк революцион таълимоти мангу яшаб ривожланаверсин!» деган даъват майдон узра янграйди.

Пионерлар Мавзолейга югуриб борадилар. Улар Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбарларига гуллар топширадилар.

Москва байроғи ўрнатилган қурилма майдонга кириб келади. Социалистик мусобақа илғорлари машинага чиқиб олишган. Биз намойиш бошланмасидан уларнинг баъзилари билан гаплашдик. Янгилик нишоналари, қайта қуриш жараёнлари ҳақида сўрадик.

Қайта қуришнинг муваффақиятидан одамлар нақадар манфаатдор эканликларига, у одамларнинг дилидан нақадар чуқур жой олганига ишонч ҳосил қилдик. Яна ўзингиз ўйлаб кўринг.

— Асосан юзадаги резервларнигина ишга солган қайта қуриш энди хўжалик механизмини такомиллаштириш, бошқарувни демократиялаш йўлидан тобора чуқурлашиб бориши керак, — деб ҳисоблайди «Борец» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесарлар бригадири А. Пахомов. — Бош директорни сайлашнинг ўзиёқ бизга яхши натижалар берди. Меҳнат коллективининг кенгаши тузилди. Яқинда газеталардан бирида «Ишчилар заводни идора қила оладиларми?» деган сарлавҳали мақолани ўқиб қолдим. Идора қила олишларига ишончим комил!

Қайта қуришни англашда ҳар кимнинг ўз миқёси, ўз нуқтаи назари бор. Юридик фанлар доктори, профессор И. Лукашук ўз фикрларини шундай ифодалади:

— Қайта қуриш — мутлақ заруратдир. Ё онгсиз киши, ёҳуд тор ғаразли манфаатларни ўйловчи кишигина унга халақит бериши мумкин. Ҳозир қайта қуриш онг соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда. Шундай бўлиши ҳам табиий. Янгича сиёсий, иқтисодий тафаккур бўлмаса, бундан буёнги ўзгартишларни қилиб бўлмайди. Биз Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига катта умид боғлаяпмиз. У тажрибани умумлаштиради, ҳаракатимиз истиқболларини

(Давоми 2-бетда).

БАҲОРДЕК ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

Тошкентда байрам тантаналари

Барча совет кишилари ҳамиша баҳорга, Биринчи Майга алоҳида умид боғлайдилар. Биз ана шу байрамни бутун мамлакатда авж олиб кетган революцион қайта қуриш шароитида тўртинчи марта кутиб олаяпмиз. Унинг нишоналари йил сайин тобора яққол ва ёрқинроқ намоён бўлиб бормоқда. Партиянинг КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель пленумида ўртага қўйилган, партия XXVII съездининг тарихий қарорлари билан асослаб берилган мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган йўли турмушда ўзининг тобора кўпроқ реал ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари совет кишиларининг умумий сафида янгиланиш йўлидан бормоқдалар. Улар партиянинг ғоя ва режаларини рўёбга чиқара бориб, қайта қуриш янги босқичининг вазифаларини ҳал этишга— туб иқтисодий ислоҳотни ва совет жамияти турмуши барча томонларини демократиялашни амалга оширишга қўшадиган ўз ҳиссаларини кўпайтириш йўлида куч-ғайрат сарфламоқдалар. Бу мушкул йўлда ҳамма нарса силлиқ бораётгани йўқ, албатта, хатолар ҳам бўлиб турибди, эришилган иш суръатларидан биз ҳамиша ҳам қаноатланаётганимиз йўқ. Бироқ олға томон ҳаракатнинг муқаррарлиги ҳозирдаёқ исботланган, жадаллаштиришнинг зарур суръатларига тобора дадил эришиб борилмоқда.

Жамиятни қайта қуриш, демократиялаш нишоналари шаҳарнинг барча томонларидан Владимир Ильич Ленин номидаги бош майдон сари интилаётган тошкентликларнинг колонналаридаги байрам безакларида ҳам акс эттирилган. Кўпдан-кўп транспарантлар, плакатлар, панноларда Тошкент корхоналари коллективларининг меҳнат рапортларидан сатрлар тасвирланган. Улар баҳор, меҳнат ва тинчлик байрамини қандай муваффақиятлар билан кутиб олаётганликлари тўғрисида рапорт беришган.

ТОШКЕНТ. В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг байрам намойиши.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси.

Ҳозир шаҳардаги етмиш битта корхона туб иқтисодий ислоҳот шароитида меҳнат қилмоқда, уларнинг коллективлари хўжалик ҳисобига, ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтишган. Одамлар ташаббус учун кенг имкониятга эга бўлиб, ўзининг соҳиблигини ҳис этиб, яна ҳам кўпроқ самара билан меҳнат қилабошладилар. Ҳозир уларнинг куч-ғайратлари туфайли тайёрланаётган маҳсулот жами ҳажмининг эллик беш проценти ишлаб чиқарилмоқда. Давлат дотацияларидан воз кечаётган завод ва фабрикалар сони йил сайин кўпайиб боради— Тошкент ишчилар синфининг қатъий сўзи ана шундай.

Намойиш қатнашчилари Ленин ғоялари ва принципларига, ишчилар синфининг революцион ишига астойдил содиқ эканликларини яна бир бор таъкидламоқдалар, барча мамлакатлар меҳнаткашларининг ер юзида тинчлик, адолат ва тенгликни қарор топтириш йўлидаги кураши билан бирдамлик изҳор этмоқдалар.

Одамлар оқими В. И. Ленин номли майдонга тўпланади. Майдон байрамона безатилган. Қирмизи байроқлар шабадада ҳилпираб турибди. Бу ерда СССРнинг, барча иттифоқдош республикаларнинг байроқлари кўтарилган, меҳмонлар учун мўлжалланган минбарлар узра марксизм-ленинизм асосчиларининг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатларининг портретлари кўзга ташланади.

Эрталаб соат 10. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Н. Нишонов, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Н. И. Попов, П. Ҳабибуллаев, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Х. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари А. Р. Отажонов, И. Искандаров, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, С. У. Султонова ҳукумат минбарига кўтариладилар.

(Давоми 2-бетда).

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»ГА 2 МАЙ КУНИ КЕЛГАН ХАТЛАР

СЕРФАЙЗ ДАЛА

Чўққили тоғлар ортидан қуёш юз кўрсатганда раис машинаси далага йўл олди. «Виллис» ҳаял ўтмай ғўза культивация қилинаётган далага етиб келди.

— Ассалому алайкум, келинг, раис, — деди бригадир Холмат Мейлиев пешвоз чиқиб. Ҳол-аҳвол сўрашгач, давом этди. — Ишловни бошлаб юбордик. Гектарлар тўлиқ, кўчатлар бут бўлиши учун курашяпмиз.

— Ғайрат қилаверинглар, — деди раис Эшмурод Хўжамбердиев. — Биздан қандай ёрдам керак?

— Бултур 1.500 тупдан эшёд тут кўчати эккандик. Яхши тутмади, сабаби ўзингизга маълум...

— Бу йил ҳам экканимизга ачиняпсизми? — раис ўйчан бош чайқади. — Қўшни тожик дўстларимиз шаҳридаги алюминий заводининг заҳарли тутунлари экин-у дарахтларимизга қанчалик зарар келтираётганини ҳаммамиз биламиз. Бундан юқори ташкилотлардаги ўртоқлар ҳам хабардор. Тезроқ амалий чора кўрилса, иш юришади.

— Тўғри, — тасдиқлади бригадир.

— Сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим, — деди раис.— Қўшнингиз коммунист Абдураим Менғқулов бошлиқ бригада ўтган йили ҳар гектар ердан 42,5 центнердан пахта етиштирди. Ер, сув, шароит бир хил бўла туриб, сизлар гектаридан 6 центнердан кам ҳосил олдингизлар. Бойси нимадалигини ўйлаб кўрдингизми?

— Алмашлаб экишга эътибор бермай қўйгандик. Натижада унумдорлик пасайиб кетди...

Бригада бошлиғининг бийрон сўзларидан раис завқланиб кулди:

— Баракалла! Ҳамаси ўзингизга маълум экан-ку. Демак, сизларга ўргатмаса ҳам бўлади.

— «Чарчаган» ерларга беда экдик, — Холмат Мейлиев ниманидир ўйлаб қолди. — Раис, мени бир масала кўпдан буён қизиқтириб келади. Эҳтимол, бу сизларни ташвишлантираётгандир.

— Хўш-хўш?

— Республика областларида иқлим, ҳаво турлича. Бизнинг воҳада пахта қийғос етилганда шимолдаги областларда битта-яримта кўсак очилган бўлади. Йиғим-теримга бир вақтда киришамиз деб уларни кутамиз. Ахир бизда теримни 20—25 кун барвақт бошлаш мумкин-ку. Шунда вақтдан ютамиз, мавсум ёғин-сочинли кунларгача чўзилмайди.

— Жуда тўғри айтдингиз, пахтанинг эрта пишиши билан ҳеч ким ҳисоблашмаяпти. Буни юқорирақда бирор йиғилишда албатта гапираман...

Денов районидаги «8 Март» колхози бултур пахта тайёрлаш юзасидан план ва мажбуриятни ошириб бажарди.

Меҳнат аҳли бу йил 1.151 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан оқ олтин етиштириш, давлатга 4.000 тонна сифатли дурдона топширишга бел боғлаган. Барча майдонларга чигит қулай ва қисқа муддатларда қадалди ва бир текис кўкартириб олинди. Айни пайтда яганалаш ва экинга дастлабки ишлов беришга киришилди.

Пудрат асосида иш юритаётган оилавий звеноларга катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Ўтган йили Бекмамат Бекмуродов бошлиқ оила гектаридан 53 центнердан, Турдиали Қобилов, Асад Норбоев, Райимали Азимов бошлиқ коллективлар 42—45 центнердан хирмон кўтаришди. Бу йилги режалар янада улкан.

Кечқурун правление мажлисида раис Э. Хўжамбердиев шундан сўз очди:

— Барчангизга маълум, бултур колхозимизда еттита звено илғор усулда ишлади. Оилалардаги резервлар тўлароқ ишга солиниб, ғўза парваришида мамнунлик ўтказилди. Пировардида энг кам ҳосил топширган пудратчи звенонинг кўрсатгичи ҳам хўжалигимизнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқори бўлди. Бу йил пудратчилар сонини кўпайтирдик, ҳозир уларда иш яхши кетяпти. Оила пудрати кенг йўлга қўйилган С. Чориев, А. Отамуродов, Ҳ. Шойимов, А. Абдурахмонов, Х. Хўжамбердиев, А. Менгқулов, Ҳ. Мейлиев бошлиқ бригадалардаги звенолар ишга айниқса ғайрат билан киришганлар...

А. МАННОПОВ,
Т. ЭШБЕКОВ.

ПИЛЛАЧИ ИШГА КИРИШДИ

ОЛТИАРИҚ

«Иттифоқ» колхозининг Пахтаобод участкаси Акрам Жумаев бошчилигидаги пиллачилар қурт боқишга пухта тайёргарлик кўрдилар. Барча қуртхоналар дезинфекция қилинди ва оқланди. Ҳар қути уруғ ҳисобига 80—100 квадрат метр сўнчак ҳозирланди. Етарли миқдорда ёқилғи муҳайё этилди. Ҳар йили кумуш толадан мўл ҳосил етиштириб келаётган азаматлар жорий йилда 180 қути уруғ боқиб, 16 тонна пилла етиштиришга аҳд қилишган. Ўз ишининг моҳири ҳисобланган Абдухалил Исмоилов бошчилигидаги миришкорлар 15 апрель куни 30 қути уруғни жонлантиришга киришгандилар. Эндиликда ана шу қуртлар хонадонларга тарқатилмоқда, парвариш тобора авж олдирилмоқда.

А. НУРМАТОВ.

ДЕНОВ

«8 Март» колхози пиллачилари 254 қути уруғдан 9 тонна ғалвирланган сифатли хом ашё топшириш аҳд этишган. Шу кунларда қурт парвариши қизғин бошлаб юборилди. С. Чориев, А. Менгқулов, М. Бўриев, А. Абдурахмонов, О. Эшмирзаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг кумуш тола ижодкорлари қурт парваришини намунали олиб боришаяпти.

У. БЕКМУРОДОВ.

УСМОН ЮСУПОВ

«Пахтакор» совхозида тажрибали пиллачилар оз эмас. Шароф Мамадиёрова, Зиёда Равшанова, Тошбиби Бекназарова, Ҳабиба Норбобоева, Шароф Ботирова сингари ўнлаб миришкорлар раҳбарлик қилаётган звеноларда ипак қурти юксак агротехника талаблари даражасида боқилмоқда. Қуртхоналарнинг иссиқлик ва намлик даражаси бир меъёрда бўлиши таъминланган. Тут баргидан тежаб-тергаб фойдаланилмоқда.

Совхозда жами 170 та звено ишлаяпти. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига социалистик мусобақани қизитаётган ишчилар давлатга 10 тоннаю 200 килограмм ғалвирланган хом ашё топширишга аҳд қилишган.

Х. НАЗАРОВ.

ШАҲРИСАБЗ

«Социализм» колхози кумуш тола ижодкорлари бой тажрибаларни ишга солиб, қурт боқиш мавсумига намунали тайёрландилар. Бунда Қаҳрамон она, «Ҳурмат белгиси» ордени соҳибаси Баҳринисо Яҳёева алоҳида ўрнак кўрсатмоқда. У ўттиз беш йилдан буён қурт боқади, ҳар сафар социалистик мажбуриятини ошириб бажаради. Ўтган йили икки қути уруғдан пландаги 135 килограмм ўрнига 198 килограмм кумуш тола олди. Энди эса унинг аҳди ана шу кўрсаткични 200 килограммга етказишдир. Уруғлик пилла етиштириш устаси сифатида донг таратган Баҳринисо Яҳёева мавсумни бошлаб юборди. Унинг иш ошларидан Райҳон Раҳматова, Шаҳринисо Мажидова, Мушаррам Абдуллаева, Зебинисо Салимова, Ойдин Ниёзовалар ҳам қуртларни меҳр билан парваришлаб, қилмоқдалар. Хўжалик меҳнат аҳли 43 тонналик хирмон учун курашаяпти.

А. МУҚИМОВ.

ҚАРШИ

«Москва» совхози пиллачиларининг аҳди 660 қути қурт уруғидан 36 тонна ўрнига 40 тоннаю 400 килограмм ғалвирланган сифатли хом ашё етиштиришдан иборат. Бунинг учун 403 та пиллачилик звеносида қурт парвариши бошланди. Бешкент, Потрон, Кахлак қишлоқларидаги инкубаторияларда агротехниклардан Малика Шомуродова, Марвия Шерхонова, Атаулла Мадатов ўртоқлар айниқса ғайрат кўрсатишди. Қурт боқишга биринчи бўлиб киришган Худоёр Сафаров, Ислом Ҳасанов, Камол Ниёзов, Қудрат Очилов бошлиқ бригадаларнинг Рўзи Қаршиева, Турди Тўрақулова, Нухат Эсонова, Викаш Авазова, Қунсулув Қиёмова раҳбарлигидаги звеноларга ҳар қутидан 70—85 килограмм кумуш тола олишга сўз беришди.

С. БОҚИЕВ.

ҒАЛАБА ҚЎШИҒИ

Буюк ғалабанинг қутлуғ тонгида
Ер, само тўлғаниб, кўз очди янги.
Бир қўшиқ янгради, янгради мағрур,
Авжида Саодат, Тинчлик оҳангги!...

Азиз она-Ватаним, қирқ уч йилдирки, сенинг бепоён бағрингда қалбларни тўлқинлантириб бир жанговар қўшиқ янграётир.

Гулгун шаҳар ва қишлоқларинг, пурвиқор, юксак тоғларинг, нурга чўмилган кўз илғамас кенг далаларинг, пахтазорларинг, қут-баракали, серфайз боғ-роғларинг, тиниқ, мусаффо осмонинг қўйнида ана шу қўшиқни берилиб тинглайман! ЭРКИНЛИК, ТИНЧЛИК, ДЎСТЛИК тимсоли оппоқ кабутарлар парвозидан, нафосат, ободлик мадҳини куйлаётган шўх булбуллар куй-навосидан, анвойи гуллар атрини уфураётган саррин саболар нафасидан, ЭЗГУЛИК, БУНЁДКОРЛИК, ШОН-ЗАФАР чўққиларини бўйлаётган замондошларим қалб баётидан ана шу буюк жанговар қўшиқ сеҳрини туяман!

Бу ўлмас қўшиққа қалб очиб, бутун вужудим билан жўр бўламан!

Бу жанговар қўшиқ — элюртим бахт-саодати, авлодлар камолоти, тинчлик, дўстлик, ҳур меҳнат завқ-шавқи, замину замон нидоси, беғубор диллардаги порлоқ орзулар, эзгу муддаоларнинг олмос жилоси!

Бу жанговар қўшиқ — буюк ҳакам — она тарихнинг ҳақиқининг ноҳақлик, покликнинг нопоклик, адолатнинг разолат устидан чиқарган одилона ҳукми!

Бу қўшиқ — чароғон қўёш юзига мажбуран тортилган шум урушнинг мудҳиш қора пардаси қардошлик, жасорат, матонат шамшири билан тилка-пора қилинган қутлуғ айём мадҳияси!

Бу қўшиқ — ленинча буюк дўстликка содиқ Ватанимиз халқларининг бир тан, бир жонлигига, метиндек мустаҳкам иродаси, сабр-бардоши, қаҳрамонона кураши шаънига қутлуғ қон билан битилган ўчмас қасида!...

Она-Ватаним, бу қўшиқ — сенинг ҳар қарич еринг, тупроғинг учун кўксини қалқон этиб, интиқомда жон фидо қилган не-не жўмард фидойиларинг қалбидан еру кўкни ларзага солиб янграган оташин ҳайқириқ, улар хотирасига қўйилган назмий обидаларинг!..

Бу қўшиқ — мунаввар тонгларга асос,
Халқимнинг шарафи, Ватаним шони.
Тинчликни, дўстликни қолдирган мерос
Йигирма миллионли шаҳидлар қони!..

Ҳа, бу қўшиқ — жонажон, одил партиямизнинг эртани Ленин кўзи билан кўра билиш салоҳиятига, буюк идеаллар сари олға чорловчи куч-қудратига, жумлаи жаҳоннинг таҳсини, бобо қўёшнинг мардлик, матонатга ташаккури!

Бу қўшиқ — халқ билан ҳамнафас, қудратли, забардаст совет қўшинларининг 1.418 кеча ва кундуз немис-фашист газандалари билан юзма-юз ҳарбу зарб жангларида кўрсатган мислсиз жасоратининг абадий сўнмас ёлқини!

Бу қўшиқ — уруш туфайли кимларнинг қалбида тош қотган армон, ҳижрон, жудолик рутубатларининг исёнкор аччиқ талқини!

Инсоният олами эркин нафас олиб, қалб очиб, энтика-энтика қулоқ тутган бу қўшиққа!

Тоғлар эриб, чўккан бу қўшиққа!

Боғлар саховатини инъом этиб, шох буккан бу қўшиққа!

Замин жангдан қайтмаган ўғлонини зор-интизор кутган муштипар онадек титраб, мангуликка ОҚ ЙЎЛ тилаган бу қўшиққа!

Умаралн ҚУРБОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети эҳтимоллар назарияси ва математик статистика кафедрасининг мудири Саъди Ҳасанович **Сирожиддинов** узоқ давом этган касалликдан кейин 1988 йил 29 апрелда 68 ёшида вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қилади.

БИЗ ИШОНАМИЗ: ҚАЙТА ҚУРИШ ҒАЛАБА ҚИЛАДИ

(Боши 1-бетда).

белгилаб беради, албатта. Жамиятни янада демократиялаш — катта йўллардан биридир. Шу муносабат билан Ленин конституциясига мурожаат этиш зарур. Масалан, доимий ишлайдиган парламент органи бўлмиш Бутунроссия Марказий Ижроия комитетининг фаолияти фойдали бўлмаганмиди, ахир? Ленининг меросини ўрганишда, давлатни, партияни, қайта қуришга ёрдам беришда жамиятшунослар ҳали ўз сўзларини айтишлари керак.

— Янгилик нишоналари дейсизми? — дейди гапга аралашиб «Вимпел» бирлашмасининг моторчи-тиқувчиси Г. Рижкова. — Энди биз ўз маҳсулотимизни сотиб оладиган бўлиб қолдик. Мана шу эгнимдаги пальто ўз корхонамизда тикилган. Аёллар уларни бажонидил сотиб олмоқдалар. Агар кимдир ҳорижий этикеткалар кетидан қувмайдиган бўлиб қолган бўлса, шунинг ўзи ҳам каттагина ютуқ.

...«Москвада май» марши янграйди. Меҳнаткашларнинг намойиши бошланади.

Биз Ленин ҳузурига бораяпмиз. Кўкрагига қизил бант қадаган доҳий қўлини кўтариб биз билан, революция ишининг давомчилари билан мулойим саломлашиб турибди. Ильичнинг бу портрети 1919 йил 1 Майда олинган фотосурат асосида чизилган. Ўшанда дунёда биринчи пролетар давлатининг йўлбошчиси меҳнаткашлар намойишини табриклаган эди. Портрет тарих музейи пештоқига қўйилган. Пойтахтнинг ҳамма томонларидан Қизил майдонга ёрқин ранг-баранг, батартиб колонналар оқиб кела бошлайди.

Анъанага кўра, пойтахт Пролетар районининг колоннасига «ЗИЛ» коллективининг вакиллари бошчилик қиладилар. Тўрт минг энг яхши автомобилсозга шу ҳуқуқ берилган. Корхона цехлари, участкалари, бўлимлари, лабораторияларида бўлиб ўтган йиғилишларда ўртоқлар айни шу кишилар учун овоз берган эдилар.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига оширилган мажбуриятлар олган илғорлар орасида Ленин комсомоли мукофотининг лауреати штамповкачи — темирчи Н. Шарапов ҳам бор.

— Транспарантлар билан безатилган карвонбоши машинага эътибор беринг, — дейди ёш ишчи. — Завод эмблемасидаги ўзгаришни кўраяпсизми? Одатдаги ЗИЛ—130 ўрнига янги юк машинаси тасвирланган. У дизел ёқилғиси билан юради. Бу йилнинг ўзидаёқ тўрт мингта мана шундай тежамли машина ишлаб чиқаришимиз керак.

1-давлат подшипник заводи колоннаси енгилгина ранг-баранг ҳаво шарларини кўтариб олган. Бу корхонанинг эмблемаси ҳам — шарчадир. Шу шарча космосда, далаларда, пўлат магистралларда ишлаётган техникада жуда катта юк кўтаради. Завод коллективи ўзам зиммасига катта масъулият олган: меҳнат унумдорлигини тўрт ҳисса оширишни таъминлаш зарур. Завод реконструкция қилинмоқда. Яқинда унинг «Люблино» янги ишлаб чиқариш корпуси маҳсулот бера бошлади. Энди бирлашма шартномада белгиланган маҳсулотни 100 процент етказиб бермоқда, демак кўнгилдагидек фойда олинади, демак социал ривожланиш режалари амалга оширилади.

Биз колоннада учратган икки ёш ишчи ҳам баҳордан мамнун. Қизнинг чеҳрасидан шундай бахтиёрлик нишоналари сезилиб турибдики, фақат келинчакнинг кўзларигина шундай порлаши мумкин. Дарҳақиқат шундай — 55-цех ишчиси Зоя Сурикова Май байрами ўтиши билан оппоқ никоҳ қўйлагини кийиш тараддудида. Унинг қайлиғи — ўша цехнинг созловчиси Олег Гребенкин. Бу камтар йигит 21 ёшда. Аммо унинг ҳаётида кўп воқеалар бўлиб ўтган: мактаб, комсомол, ҳунар-техника билим юрти, десант қўшинлари сабоғини олган. «Жасорати учун» медали билан мукофотланган сержант Гребенкин Афғонистонда КПСС аъзолигига кандидат этиб қабул қилинган. У уйига, завод қучоғига қайтиб келгандан кейин партия аъзоси бўлди.

— Биз кулфатга тушиб қолган дўст қўшни халққа ёрдам бердик, — дейди бизга Олег. — Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий воситалар билан ҳал этишга оид битимлар имзоланганлиги яхши бўлди. Ўртоқларимнинг уйга қайтишларини кутаяпман. Бу ерда иш кўп — меҳнат қилиш, қуриш керак.

Бўлғуси ёш оила янги уй олиш умидида. Заводда қурилиш-монтаж бўлинмаси тузилган — у йилига 180 та квартира қуриб бера олади.

Пойтахтнинг кўпгина кўчалари, майдонларини мамлакатдаги энг кекса давлат қурилиш трести — «Мосжилстрой»нинг меҳнат шуҳрати музейи деса бўлади. 66 йил мобайнида трест ишчилари кўп иш қилдилар.

Бугунги Москванинг ҳаётий эҳтиёжлари ва юмушлари ҳозирги объектлар рўйхатида мужассамлашган. Ўн минглаб квадрат метр уй-жой қуриш, чуночи йўл-йўлакай пойтахт қурилиш индустриясининг бутун структурасини янгилаб бориш керак бўлади. Пойтахтда ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш комплекс программасини амалга ошириш 2000 йилгача ҳозирги Москванинг яна учдан бир қисмига тенг бинолар қуришни тақозо этади. Ҳозир ишлаб чиқилаётган шаҳар халқ хўжалигини интенсивлаш территориал-тармоқ программаси «Прогресс—95»да, пойтахт регионини ривожлантиришнинг 2010 йилгача мўлжалланган даврдаги янги бош планида ҳам юксак марралар белгиланган.

Майдонда — Красная Пресня райони меҳнаткашларининг колоннаси. Ишчилар ҳаракати тарихининг шонли саҳифалари шу район номи билан боғланган. 1905 йилда Пресня пролетариати мутлақ ҳокимиятга қарши синфий курашлар баррикадасига чиққанди. Ҳозирги вақтда район пойтахт халқ хўжалигида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди, унинг 47 минг кишилик партия ташкилоти эса қайта қуришда сезиларли роль ўйнамоқда. Красная Пресня район партия комитетига бошқа уч райком билан биргаликда аппарат янги структурасини жорий этиш тажрибасини ўтказиш вазифаси топширилган.

— Янгликнинг моҳияти одатдаги бўлимларни тугатишдан иборат, — дейди КПСС район комитетининг биринчи секретари И. Шувалов. — Ҳар бир бошланғич ташкилотга биркитилган инструктор унинг бутун фаолият доирасини назорат этиб туради. Партия комитетлари секретарларининг фикрини билиш умуман биз тўғри йўлдан бораётганимизни, янги структура аппаратнинг қуйи ташкилотлар билан алоқасини мустаҳкамлаётганини, сиёсий раҳбарлик методларига амалда ўтиш учун шароит яратаётганини тасдиқлади. Партия аппарати структурасини такомиллаштириш масалалари КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси қун тартибида алоҳида ўрин олади.

Биз Ленин ҳузурига бораяпмиз. Ленинчи ветеранлар алоҳида ифтихор туйғуларини, тарихимиз шонли саҳифаларига даҳлдорлик туйғуларини ҳис этиб турибдилар.

— Аср билан тенгдошман, — дейди 1917 йилдан КПСС аъзоси Константин Петрович Синозерский. — Умумжаҳон тарихининг энг катта воқеалари — 1917 йил октябрь кунларининг қатнашчиси бўлганман. Қишки саройга ҳужум қилишда, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши да қатнашганман. «Аврора» тўпи узган ўқ овози ҳанузгача қулоғимда. Лекин биргина ўтмиш билан яшаб бўлмайди. Барча ветеранлар номидан сўзлаб, шиоримиз — «Замон билан ҳамқадам бўлайлик!» дейман. Партия бошлаган қайта қуриш — бирдан-бир тўғри сиёсатдир. Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларини янгилаш, Ленин васиятларини тиклаш йўли, жанларга кираётиб, кўнгилга туккан умидларимизни янада ривожлантиришнинг зарур шартидир. Бу ҳақда мен Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб Кремлда ўтказилган тантанали мажлисда ифтихор билан гапирган эдим.

Шу гапни бугун ҳам бемалол такрорлай оламан. Беихтиёр 1917 йилнинг худди шу куни ёдга келиб, кишини қаяжонга солади. Ўшанда Петроград Виборг районидаги «Айваз» заводининг ишчилари Удельное паркида ўтказиладиган маёвкага йиғилгандилар. Биз, ёш йигитлар, қўриқчилик қилардик. Ҳозирги ёшларга мурожаат этиб, революциянинг ғалабаси зўр куч-ғайратлар эвазига қўлга киритилганлигини эслатиб қўй моқчиман. Биз, революция солдатлари эстафетани янги авлодга топширар эканмиз, бу эстафета ғалабагача етказилишига ишонамиз.

Биринчи Май колонналарида — янги уйларга кўчиб кириш муҳлатини ўзлари яқинлаштирган ёш ишчи ва мутахассислар ўтиб бормоқда. Байрам арафасида ёшларнинг «Атом» уй-жой комплекси аъзолари ордерлар олдилар. Яқин фурсатда яна битта ёшлар уй-жой комплекси — мамлакатда энг катта «Сабурово» комплекси битказилади. Бу ерда гап комплексни лойиҳалаш ва уни қуриб битказишнинг ўзидагина эмас. Ёшлар бу комплексга файз киритиб, уни вақтни мароқли ўтказиш марказига айлантирмоқлари керак. Ёшлар уй-жой комплекси йигит-қизлар ташаббуси масканидир. Қайта қуриш ғояларини ривожлантирадиган, унинг муҳташам биносини тиклайдиган кишилар ҳам айни ёшлардир.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Май чақириқларида совет олимлари, конструкторлари, ихтирочиларига: «Экономика, фан ва техниканинг жадал ривожлантирилишини, Ватан ишлаб чиқаришини жаҳондаги юксак даражага чиқаришни таъминловчи фан-техника муаммолари новаторларча ҳал этилишига эришингиз!» дейилади. Биринчи Май арафасида совет олимлари бир группасига фан ва техника соҳасида 1988 йилги Ленин мукофотларининг берилиши ана шу йўлда эришилган ютуқларнинг далили бўлди. Шу йилнинг лауреатлари орасида катта диаметрли қувур системаларини учма-уч қилиб пайвандлайдиган серунум технология ҳамда машинасускуналар комплексининг яратувчилари ҳам бор.

— Бизнинг «Север—1» қурилмамиз қувур ётқизишда катта жадаллаштириш резервини беради, — дейди иш авторларидан бири В. Хоменко. — Янгилик ҳар бир чокни пайвандлашни юз баравардан зиёд тезлатади, иш эса ғоят сифатли қилиб бажарилади. Шу туфайли ҳар бир қурилма йилига 1,8 миллион сўмдан кўпроқ маблағни тежаб беради.

С. М. Киров номидаги Ленин орденли биринчи Москва соат заводининг колоннаси қўл соатининг ишлаб турган каттакон моделини кўтариб келади. Бу моделдаги лавҳа завод маҳсулотининг 90 проценти 25 мамлакатга экспорт қилинаётганини билдиради.

Пойтахт соатсозлари вақтнинг қадрига айниқса етадиган одамлар бўлганидан харидорларнинг талабидаги ҳамма ўзгаришларга ҳозиржавоблик билан иш тутаби ладилар. Меҳнаткашларнинг ўзлари интенсивлаш ички резервларини излашда муҳим ўрин тутадилар. «Ҳозирги планни қабул қилаётганимизда завод раҳбарлари юксак топшириқлардан «қочишга» уринди кўрдилар, — дейди меҳнат коллективи кенгашининг раиси слесарь Е. Герасимов. Биз бўлсак аҳволни синчиклаб ўрганиб чиқиб қўйилган мақсадга эришиш мумкин, деган қарорга келдик. Ҳаёт бизнинг нуқтаи назаримизни тасдиқламоқда: тўрт ойлик план ҳамма энг муҳим кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарилди».

Биз Ленин ҳузурига бораяпмиз. Биринчи Май колоннаси ўзра Ленин портретлари, ҳар бир кишининг қалбида доҳий образи бор.

Яқинда тузилган, лекин актив ишга киришиб кетган Ильич номидаги ташкилотнинг — Совет болалар фондининг раиси ёзувчи А. Лиханова мурожаат этиб: «Ленин номи сиз учун нимани билдиради?» деб сўраймиз.

— Ленин вафотидан кейин Н. К. Крупская: унинг номи қуруқ гапларни кўтармайди, янги мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари Ленинга энг яхши ёдгорлик бўлади, деб такрор-такрор огоҳлантирганди. Афсуски, биз шу доно маслаҳатларга дуруст қулоқ солмадик. Биз улуғ инсонга ҳайкаллар қўйиб, корхоналар, колхозлар, ўқув юртларини унинг номи билан аташга ҳаддан ташқари берилиб кетдик. Унинг номидаги корхоналар, колхозлар, ўқув юртларининг кейинчалик исми-жисмига мувофиқ келмайдиганлари ҳам кўп бўлди. Менимча, биз доҳийнинг номини эъзозлаб, реал ҳатти-ҳаракатларимиз билан унинг даҳосини муносиб баҳолашимиз керак. Совет болалар фондига Ленин номи берилди. Биноварин, биз ўз ишларимизда, дастлаб қўяётган қадамларимизда айни шундай қилмоқдамиз — ваъдабозлик эмас, балки амалий ишлар қилмоқдамиз. Бажарадиган ишларимиз катта ва машаққатлидир. Менинг орзуимни билмоқчи бўлсангиз, каттадан-кичик бутун халқимиз фонд тарафдорлари ва қатнашчилари бўлиб қолишларини хоҳлардим.

Москва станоксозлик-асбобсозлик институти вакилларининг сафлари узра кўтарилган транспарантга: «Ўрта ва олий мактаб ходимлари! Ёш авлодни социализм идеалларига садоқат руҳида тарбияланг!» деган сўзлар ёзилган. КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль пленумида халқ маорифини қайта қуришдан мақсад — ёшлар таълим-тарбиясига янгича сифат бахш этишдан иборатдир, деб таъкидланган. Бу институт илмий-тадқиқот институти билан корхоналар ўртасида бевосита тузилган шартномаларга мувофиқ ёш инженер ўринбосарларни тайёрлаб беради. Бошқа олий мактабларда қироатхоналар қанчалик одатий бўлса, бу ерда компьютер заллари ҳам худди шундайдир.

Байрам минбарларидаги меҳмонлар орасида «Московский» теплица совхозининг ходими экономист Н. Осиповани учратамиз. Ундан шаҳарлар таъминотини қандай қилиб яхшилаш мумкинлиги тўғрисида фикр айтишини сўраймиз. — Ҳўжаликларга иқтисодий жиҳатдан мустақиллик беришни бунинг калити, деб ҳисоблайман, — дейди Надежда Ивановна, — колхоз ва совхозларга маъмуриятчилик қилиб, буйруқлар беришни тўхтатиш керак. М. С. Горбачев колхозчилар Бутуниттифоқ съездида ана шу ҳақда тўғри гапирди. Чунки баъзида биз юқори ташкилотлардан бир кунда бир-бирига зид икки хил кўрсатмалар ҳам олиб турамиз...

Намойишчиларнинг ҳозирги сафларида кооператорларнинг алоҳида колонналари йўқ. Эҳтимол, бунинг рамзий маъноси бордир. Кооперация экономикамиз билан узвий боғланган.

Бугун якка меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонун кучга кирганига роппа-роса бир йил бўлди. Дастлабки якунларни ҳам чиқарса бўлади. Ҳозир Москвада 1,5 мингтадан кўпроқ кооператив бор, минглаб кишилар патент олиб ишламоқдалар. Мана бугун ана шу кишиларнинг маҳсулотлари, хизматлари байрамимизни анча ёрқин ва жонли қилиб турибди. Аммо потенциал имкониятларнинг ҳаммаси ҳам тўла ишга солинган, деб бўлмайди. СССРда кооперация тўғрисидаги қонун буни амалга оширишда ёрдам беради. Бу қонун лойиҳаси ҳозир актив муҳокама қилинмоқда. Қонун ўз меҳнати, истеъдоди ва билимини ижтимоий бойлик хазинасига ҳалоллик қўшиш учун маҳкам бел боғлаган кишиларга қулай шароитлар яратиб беради.

Қизил майдон узра Биринчи Майнинг «СССР гражданлари! Кўп миллатли буюк Ватанимиз куч-қудратининг манбаи — ҳур мамлакатдаги эркин халқларнинг иттифоқи ва қардошлигини тинимсиз мустаҳкамланг!» деган чақириғи янграйди.

Социализм — ташаббускор кишилар жамиятидир. Бундай кишилар сони миллион-миллион бўлиши керак. Қизил байроқлар остидаги колонналар сафида ана шундай кишилар ўтди.

Майдон узра «Яшасин 1 Май!» деган ҳайқириқ янграйди. Байрамнинг якунловчи музикали спорт томошаси гуллаб турган олмазорни эслатади. Бутун майдонни ёшларнинг сафлари тўлдиради. XV қишки олимпиада ўйинларининг ғолиблари ҳамда бўлғуси олимпиадада қатнашиш учун тузилган мамлакат терма командасига номзодлар тушиб олган машина ўтади. Сафлар туришини ўзгартириб олимпиада халқаларини вужудга келтиради, каттакон гулдасталардан «Мир» («Тинчлик») сўзи вужудга келади.

«КПСС XXVII съездининг ленинча йўлидан — тинчлик ва жамиятни революцион янгилаш йўлидан олға» деган даъват узоқларга таралади. Майдон аҳли бараварига «Ура» деб жавоб қайтаради. **Биз янгиланиш йўлидан Ленин ҳузурига бораяпмиз.**

Қизил майдондан репортажни ТАСС махсус мухбирлари **Л. Ермакова, Ю. Воробьевский, Л. Грунау, А. Петровский, Л. Черненко, Б. Шестаков** олиб бордилар.

БАҲОРДЕК ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДАН

(Боши 1-бетда).

Меҳмонларга мўлжалланган минбарлар гавжум. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, ревизия комиссиясининг аъзолари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорлари, фан ва маданият арбоблари бу ерга келишган. Меҳмонлар орасида Афғонистон Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Монголия Халқ Республикаси бош консулхоналарининг вакиллари, кўпдан кўп чет эллик меҳмонлар бор.

Тантанавор куй янграйди, халқлар дўстлиги тўғрисидаги, унинг буюк кучи ҳақидаги илҳомбахш шеърнинг сатрлари майдон узра таралади. Биринчи Май тантаналарининг ўзига хос дебочаси бошланади — шаҳардаги ҳунар-техника билим юртларининг йигит ва қизларидан иборат колонналар ғоят хилма-хил композицияларни ҳосил қиладилар. Уларнинг ёрқин, ранг-баранг либослари, композицияларини ўзгартириш чоғидаги бекаму кўст ҳаракатлари намойишнинг барча томошабинлари ва қатнашчилари учун шодиёна, чинакам баҳор кайфиятини бахш этади. Мана, «Май», сўзи ҳосил қилинади, ундан сўнг «Труд», «Мир» сўзлари ҳам пайдо бўлади. Одамлар ҳосил қилган фонда тинчлик рамзи — кабутар тасвири кўзга ташланади.

Йигма духовой оркестр ижро этган оҳанг янграйди. Намойишчиларнинг дастлабки колонналари майдонга кириб келади. Октябрь ва Ленин, Киров, Чилонзор ва Ҳамза районларининг меҳнат коллективлари Биринчи Май намойишини очиш ҳуқуқини олдилар. Тошкент ишчилар синфининг фахри— ветеранлар меҳнат шон-шуҳрати билан бурканган қирмизи байроқлар остида олдинги сафларда бормоқдалар. Уларнинг тақдири осон бўлмади — дастлабки совет беш йиллигларининг юкини ўз елкаларида кўтариб, Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги йилларда фидокорона меҳнат қилишларига тўғри келди. Айни ветеранлар, кекса авлодларнинг намояндалари ҳозир ҳам бизга коммунистик идеалларга, мамлакат ишчилар синфининг революцион анъаналарига чексиз садоқат намунасини кўрсатмоқдалар. Гап ишга бориб тақалганида кечирилган умр уларга халақит қилмайди, ветеранларнинг кўпчилиги ҳозир ҳам севикли Ватан бахт-саодати йўлида меҳнат қилишни давом эттирмоқдалар.

Яхшиларнинг намунаси ҳамиша ишчилар коллективларида оммалашиб кетади. Тошкентнинг кўпгина саноат корхоналари бугунги кунга дурустгина муваффақиятлар билан келди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан шу йилнинг тўрт ойи планлари ўз вақтида бажарилди. Меҳнатни интенсивлаш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми анча ошишига эришилди. Ўзбекистон пойтахтидаги ўнлаб завод ва фабрикалар икки ва уч сменали тиғиз иш режимига ўтди, бу эса мавжуд машина-ускуналардан, ишлаб чиқариш қувватларидан анча кўп самарадорлик билан фойдаланиш имконини берди.

Ишчилар синфининг меҳнат ғайрати айниқса жўш урганлиги Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига авж олиб кетган тайёргарлик билан ҳақли равишда боғлиқдир. 142 та ишлаб чиқариш бригадаси, тўрт мингга яқин ишчи конференция очиладиган кунгача беш йилликнинг уч йили планини бажаришга қарор бердилар. Энг яхшиларнинг яхшилари эса ўз имкониятларини синчиклаб таҳлил этиб, ўша кунгача тўрт йилнинг топшириғини уддалашга сўз бердилар. Ҳозир ҳар бир ишчининг плани тиғиз бўлиб, бу план ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш учун мўлжаллангандир.

Майдонга «Алгоритм» заводининг вакиллари кириб келадилар. Бу Тошкентдаги энг ёш корхоналардан биридир, уни қайта қуриш фарзанди деб атасак, ўринли бўлади. Ветеранлар ўз ҳунарларининг сир-асрорларини ёшларга ўргатмоқдалар, шундай қилиб, коллектив аҳил-иноқ ишламоқда. Коллектив ҳамиша ишлаб чиқариш планларини бажармоқда, шартномага кўра маҳсулот етказиб бериш топшириқларини ўз вақтида адо этмоқда. Аввалига корхона аҳлига осон бўлгани йўқ, чунки маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда янги цехлар ҳам қурилаётган эди. Бу корхонада ажойиб ташаббус юзага келди: қурувчилар ўз объектларини графикка қатъий риоя қилиб топширмоқдалар, ишчилар ва инженер-техник ходимлар эса янги қувватларни муддатидан илгари ўзлаштирмоқдалар.

Шу йил апрель ойида корхонага КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев келган эди. У ёш ишчилар билан суҳбат чоғида бундай деди: «Ғайрат қилаверинг, сиз республиканинг, бутун мамлакатнинг суянган тоғисиз... Кекса авлодлар эса ҳамиша сизга ёрдам бераверадилар». Корхонада ёш ишчилар ва мутахассислар кўп, зеро заводдаги ходимларнинг ўртача ёши 28 дан ошмайди, улар бу эзгу истакларга лаббай, деб жавоб бермоқдалар. Йигит-қизлар меҳнат интенсивлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш учун қунт билан ишламоқдалар.

«Алгоритм» меҳнаткашлари «инсон омили» тушунчасининг маъгини тўқ деб билиб, меҳнатнинг замонавий талабларига мос келадиган шарт-шароитларни яратиш учун ҳамма ишларни қилмоқдалар. Айни вақтда кимдир барча зарур юмушларни қилади, деб кутиб ўтирмасдан, ишга ўзлари енг шимариб киришмоқдалар. Шу кунларда корхона аҳли хўжалик усули билан иккита уй-жой қуришга киришди, завод дам олиш зонаси учун ер ажратиб берилди. Бу ерни ободонлаштиришни ҳам ишчилар ўз зиммаларига олишди. Хуллас, коллектив ўз кучи ва имкониятларига умид боғламоқда. Бу эса турмушни фаровон қилишнинг энг мақбул йўлидир.

Майдонда байрам намойиши давом этмоқда. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли бирлашманинг энг яхши намояндалари ўтиб бормоқдалар. Бир вақтлар тошкентлик тикувчиларнинг маҳсулоти харидоргир бўлмай, дўконларнинг пештахталарида бозори касод эди. Энди коллектив ишни ўнглаб олаяпти. Маҳсулот сифати яхшиланди, умумий ҳажми ҳам, турлари ҳам кўпайди. Бунда хўжалик ҳисобининг жорий этилганлиги, ҳар бир чевар ўзига ва маҳсулот етказиб берувчиларга талабчан бўлиб қолганлиги, меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулига ўтилганлиги ёрдам берди. Коллективнинг ғайратига ғайрат қўшилди. Энди у ўз имкониятларига ишонди. Ҳар бир меҳнаткаш ўз иш ўрнида, заводда ёки фабрикада ўзини хўжайин деб ҳис этадими ёки ўткинчи ходимман, деб ўйлайдими, қайта қуриш кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқлиги маълум.

Тошкентдаги «Ҳурмат белгиси» орденли «Подъемник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнаткашлари намойишга завқ-шавқ билан чиқишди. Бу коллектив ўтган йилги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра ғолиб деб топилиб, байрам арафасида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ва СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Бутуниттифоқ Ҳурмат тахтасига ёзиладиган бўлди.

Бу юксак мукофот корхона ишчилари ва мутахассисларининг маҳсулот сифатини такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор формаларини жорий этиш йўлида қунт билан қилган ижодий меҳнатининг бевосита самарасидир. Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган кўтарма кранлар мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам машҳур бўлиб кетди. Коллектив бу йил ҳам суръатни бўшаштирмаяпти, биринчи кварталда планга қўшимча тарзда тўрт юз минг сўмликка яқин машиналар тайёрланди, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кўпайди.

Коллективнинг май олди вахтасидаги ютуқларига С. Н. Туринцев бошчилигидаги йигувчилар бригадаси салмоқли ҳисса қўшди.

— Коллективимиз, —дейди бригадир, — кўтарма кранларни йиғмоқда. Ўртоқларим барча ишларни тез ва сифатли бажармоқдалар. Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқдамиз, Бирлашмамизда биринчилар қатори партия анжумани очиладиган кунгача беш йилликнинг уч йили ишлаб чиқариш топшириғини бажариш ташаббуси билан чиқдик ва албатта сўзимизнинг устидан чиқамиз!

Намойишчилар колоннасида фан-техника тараққиётининг масъулиятли вазифаларини ҳал этаётган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчилари ва мутахассислари одим ташлашмоқда. Бу коллектив ҳам янги техника яратишга ижодий ҳисса қўшганлиги учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари қаторидан жой олди. Ҳамкасблари билан биргаликда колоннада коммунист, комплекс бригада раҳбари А. М. Муртазоев ҳам бормоқда.

— Биз меҳнат унумдорлигини кескин оширадиган янги, серунум ускуналар яратишни асосий вазифамиз деб биламиз, — дейди у.— Биз пресслаш-тайёрлов ишларини бажариш учун автоматик линиялар ишлаб чиқармоқдамиз. «Ташсельмаш» заводи, «Ташкентмрамор» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа корхоналарга ана шундай линиялар етказиб берилди. Маҳсулотимиз бу корхоналарга маъқул тушди. Бу бизни рағбатлантирмоқда. Биз биринчи квартал топшириғини ошириб адо этдик. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси очиладиган кунгача янада кўпроқ ютуқларга эришиш ниятидамиз.

Майдондан Тошкент машинасозлари, тўқимачилари, уйсозлари, пўлат магистраллар меҳнаткашларининг колонналари ўтиб бормоқда. Меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларига ўтилган дастлабки кезларда саноат бу тармоқларининг меҳнаткашлари бир қанча муаммоларга, қийинчиликларга дуч келдилар. Энг асосий омил — янгича шароитларда ишлаш тажрибаси етишмас эди. Чунки ҳозир технология билан бир қаторда белгиланган мақсадларга эришиш йўлларини ҳам такомиллаштиришга тўғри келмоқда. Моддий рағбатлантириш, одамлар меҳнати ва турмуши шароитларини яхшилаш, социал муаммоларни ҳал этиш, инсон омилини активлаштириш биринчи даражали вазифалардан бўлиб қолмоқда. Экономикада тез орада ўзгаришлар бўлишига эришиш осон иш эмас, аммо ишнинг эскириб қолган формаларидан, раҳбарликнинг буйруқбозлик методларидан воз кечилиб, ижодий ташаббус учун катта имкониятлар очилаётган ерларда ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Сўнгги вақтда республика пойтахтида уй-жой қурилиши илгариги йиллардагига нисбатан илдамроқ суръатлар билан олиб борилмоқда, хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса кооперативлар шохобчаларини кенгайтириш эвазига ривожланмоқда.

Партиямизнинг қайта қуриш йўлини халқимизнинг кўпчилиги қизғин қўллаб-қувватламоқда. В. И. Ленин таваллудининг 118 йиллиги муносабати билан республикамизда ўтказилган коммунистик шанбалик буни яна бир карра ёрқин намойиш этди. 1 миллион нафардан кўпроқ тошкентликлар шанбаликка чиқишди. Меҳнат байрами қунида ўн миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланди.

Майдон узра КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг тинчликсевар сиёсатини, совет кишиларининг бузилмас интернационал қардошлигини улуғловчи сўзлар янграмоқда.

Биринчи Май шарафига Тошкент меҳнаткашлари намойиши партия ва халқнинг бирлигини, совет жамиятини революцион қайта қуриш ва янгилаш йўлини ўтказаётган партия Марказий Комитети теварагига барча меҳнаткашлар янада мустаҳкамроқ жипслашишга азму қарор берганликларини яна бир карра тасдиқлади.

Республика пойтахтида байрам тантаналари, сайллари қош қорайгунча давом этди, сўнгра осмон ранг-баранг мушакбозлик шуълаларидан чароғон бўлиб кетди.

Репортажни ЎзТАГ мухбирлари **В. Гладилов, А. Заковряшин** олиб бордилар.

ТОШКЕНТ. В. И. Ленин номли майдонда меҳнаткашларнинг 1 Май намойишлари.
А. ЗУФАРОВ фотолари.

«Қишлоқ ҳақиқати» оталиғида

«ИШОНИНГ БИЗГА, ШЕРИКЛАР!»

Бойсун район хўжаликлараро бўрдоқичилик комплекси ташкил этилганига анча йил бўлди. Бу ерда Бойсун, Ангор, Гагарин, Ленин йўли, Термиз, Шеробод районларн колхоз ва совхозларидаги ориқ, қари қўйлар олиб келиниб бўрдоқига қўйилиши, сўнгра гўштга топширилиши керак. Қари совлиқлардан сўнгги тўл, яъни қоракўлча, қўйларнинг бир қисмидаи жун қирқиб олиш ҳам кўзда тутилган.

«Сайроб» совхозига кираверишда ўнг томонда комплекс бинолари кўзга яққол ташланади. Бу ерда моллар парвариши рисоладагидек ташкил этилса, биринчидан, халқимиз дастурхонига кўп ва семиз гўшт етказиб берилади. Иккинчидан, хўжаликлар ҳам қўйларни бўрдоқига боқишнинг ортиқча ташвиш ва харажатларидан халос бўлишади. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деганларидек, моллар учун озуқа вақтида етказиб берилиши лозим. Айниқса Бойсун шароитида омихта ем ҳамиша ҳам омборларда босилиб турганн йўқ. Комплексда ишлар режа асосида олиб борилса, семиртириш ҳисобига кўп гўшт етиштирилса, қозон ҳам, чўмич ҳам мой бўлади. Агар маҳсулотдан фойда кўрилса, унинг бир қисми мол топширган хўжаликка ажратилади. Ҳамма гап кўп семиз гўшт топшириб, даромадни кўпайтиришда.

Ҳозирча бу ниятлар хаёл бўлиб турибди, холос. Ҳеч ким қўйларни семиртириш ҳисобидан гўшт етиштириш топшириғи бажарилганини эслай олмайди. Қўйлар хўжаликлардан келтирилганда қандай вазнда қабул қилинган бўлса, гўштга топширилаётганда ҳам оғирлиги тахминан ўшандай. Бу аҳволда хўжаликларга бериш учун фойда нима қилсин?

Масалан, бултур комплексда 37 минг бош қўй семиртирилиб топширилиши керак эди. Қари совлиқлардан 3100 дона қоракўлча олиш топшириғи юз фойиз уддаланди. Семиртириш ҳисобига 132,5 тонна ўрнига 74,3 тонна гўшт етиштирилди, холос. Давлатга гўшт сотиш планй шериклар ўртасида қўй топшириш ва қабул қилиш шартномасининг бузилаётганлиги сабабли ора йўлда қолаяпти. Комплекс хўжаликлардан 37 минг ўрнига атиги 10 минг 888 бош қўй қабул қилиб олди. Бойсун районн хўжаликлари 21 минг бош ўрнига 8976 бош қўй топширди. Шеробод районн 9 минг ўрнига 1912 бош қўй берган. Ангор, Гагарин, Ленин йўли, Термиз районлари хўжаликлари эса умуман қўй топширмаганлар.

Нега энди комплекс фаолияти танг аҳволга тушиб қолаяпти? — деган савол туғилади. Биз «Бойсун» совхози чорвадорлари билан суҳбатлашганимизда улар комплекс иш натижаларидан қаноатланмаётганликларини таъкидладилар.

Мана бир йилдирки, комплексга тадбиркор ва ишчан коммунист Абдужаббор Акрамов директорлик қилаётир. Коллектив тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўтишга тайёргарликни бултуроқ бошлаган эди. Аҳволни ўнглашнинг бирдан-бир йўли ҳисоб-китоб ишларидаги чалкашликларга барҳам бериш, ем-хашакдан тўғри фойдаланиш, чорвадорларнинг меҳнат шароитини тубдан яхшилашдир, деган хулосага келинди.

Бир килограмм ҳам шелуха ёки омихта ем туйнукдан чиқмайдиган бўлди. Қўйларнинг семиратёганлигини аниқ ҳисобга олиб бориш мақсадида тарози ўрнатилди. Энг муҳими: бригада пудрати усулига ўтилди. 1987 йилнинг биринчи ярмида чорвадорлар 5500 бош қўйни бўрдоқига боқиб, йил охирида гўштга топширишди. Уларнинг ҳар бири ўртача 46 килограммдан тош босди.

Семиртириш ҳисобига 173,6 тонна гўшт, 2098 дона қоракўлча, 2 тонна жун топширилиши керак. Биринчи кварталдаёқ 100,5 тонна гўшт, 2471 дона қоракўлча, 3500 килограмм жун топширилди. Ҳар қўй пландаги 7 килограмм ўрнига 15,1 килограмм семиртирилди. Ёки гўштга топширилган қўйнинг ўртача тирик вазни 48 килограммга етказилди.

— Бунинг ҳеч қандай сирсиноати йўқ, — дейди Абдужаббор Акрамов. — Илгари чўпонларга иш ҳақи қўйларнинг бош сонига қараб белгиланарди. Тўлиқ хўжалик ҳисоби пировард натижани биринчи ўринга қўйгач, биз ҳам иш ҳақи тўлашда худди шу йўлни тутдик. Уларга қўйларнинг бош сонига қараб эмас, балки қўйларни семиртириш ҳисобига етиштирилган гўштга қараб иш ҳақи тўлаймиз. Натижа биз кутгандан ҳам зиёда бўлаяпти. Ҳозир учта бригада пудрат усулида қўйларни бўрдоқига боқаяпти. Улар қўйларни 90—150 кун боқишади. Бир кунда қўй 200 граммгача семирмоқда. Чўпонларимиз харажат кам бўлиб, маҳсулот кўпайса, манфаатдорлик ортишини дилдан англашаяпти. Чўпонларимизнинг ўртача ойлик маоши 450—500 сўм бўлаяпти. Чўпонлар сонини тенг ярмига қисқартирдик. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси йилида коллективимиз ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишлашга, қолоқликка барҳам беришга, пландаги 176 тонна ўрнига 300 тонна гўшт топширишга аҳд қилган. Олдимизда битта муҳим муаммо турибди. У ҳам бўлса — хўжаликларнинг мол топшириши. Бу йил 20 минг бош қўй бўрдоқига боқиб, гўштга топширишимиз керак. Ҳозиргача Шеробод районидаги «Коммунизм» совхозидан 3811 бош қўй қабул қилдик холос. Бойсун, Ангор, Ленин йўли, Гагарин районлари хўжаликлари бу ишни пайсалга солишаяпти.

Жўра Ўзбеков бошчилик қилаётган бригада чўпонларининг биринчи квартал иш натижалари комплексда аҳвол ўзгараётганлигини кўрсатади. Улар 2900 бош қўйни семиртириб, гўштга топширишибди. Ҳар бош қўйга 16,2 килограммдан вазн қўшилибди. Ёки гўштга топширилган ҳар бош қўйнинг тирик вазни 52 килограммга етказилди. Чорвадорлар фақат семиртириш ҳисобидан 47,1 тонна гўшт топширишди. Гўштдан ташқари пландаги 734 та ўрнига 986 та қоракўлча, 1900 килограмм жун топширилган. Бригаданинг беш нафар чўпони 162 минг сўм даромад келтирган. Замон Бердиев, Гулбой Холбоев бош чўпонлик қилаётган отарларда ҳам қўйлар ҳар куни 150—200 граммдан семираётир.

Қўйларни бўрдоқига боқишда давлат бераётган омихта емга кўз тикиб ўтиришгани йўқ. 556 гектар майдондаги беда, кузги дон меҳр билан парваришланаяпти. Уларнинг мақсади жорий йилда бўрдоқичиликни фойдали тармоққа айлантириб, даромаднинг бир қисмини мол топширган хўжаликларга беришдир.

Б. КЕНЖАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Даладан репортаж

ТАЯНЧ НУҚТАСИ

Кечқурун иш натижалари якунланаётганда Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси Усмонали Умаров мамнунлигини яшармади. Дарвоқе, нима учун сир тутиш керак? Ахир, ишлар маромида кетаяпти-ку. Ў йиғилганларга шундай деди: «Раҳмат, сеялкачиларимизга, зарбдорчасига ишлашди. Барча бригадаларда мавсум олдидан тузилган графикка риоя қилинди. Уруғ қулай муддатларда экилди»...

Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари экиш мавсумининг дастлабки кунларидаёқ районда пешқадамликни қўлга олдилар. Буни тўла хўжалик ҳисоби жорий этилганлигининг шарофати ҳам дейиш мумкин. Янги усул ўтган йилги мураккаб обҳаво шароитида ҳам деҳқонларга муваффақият келтирган, эл олдида юзни ёруғ қилган эди.

— Хўжалик ҳисоби мўл ҳосил етиштириш йўлида бизнинг асосий таянчимиз, — дейди Усмонали Умаров. — Ў ўзининг қудратини ўтган йилда яққол намойиш этди. Меҳнатни уюштиришнинг ана шу илғор усули туфайли гектаридан 32,9 центнердан ҳосил етиштириш, давлатга 5.588 тонна оқ олтин топширишга муваффақ бўлдик. Агар хўжалик ҳисоби жорий этилмаганида бундай муваффақиятга эришишимиз қийин эди, деб комил ишонч билан айта оламан.

Ҳа, хўжалик ҳисоби, пировард натижани кўзлаб ишлаш, шубҳасиз, ўзини оқламоқда. Энг муҳими —одамларнинг меҳнатга муносабати ўзгарди, янгича қарашлар пайдо бўлди. Илгари бирор киши ташаббус кўрсатишни истамас, юқоридан бўладиган йўл-йўриқларни кутар эди. Эк деса, экарди, чеканка қил деса, чеканка қиларди. Хуллас, ҳеч ким масъулиятни ўз гарданига олмас, иш барбод бўлган тақдирда жавобгарни топиб бўлмасди.

Маблағлардан тежаб-тергаб фойдаланиш туфайли ўтган йили колхозда рентабеллик даражаси 38,4 процентга етди. 5 миллион 557 минг сўм даромад олинди. Бу — пландагидан қарийб 1,5 миллион сўм кўп. Ўз навбатида моддий рағбатлантириш фонди кўпайди.

Хўжалик деҳқонлари беш йилликнинг учинчи йилига ана шундай таянч нуқтаси билан қадам қўйдилар. Дангал айтиш керак: бу таянч нуқтаси хийла бақувват. Шу туфайли колхоз қўшимча техника сотиб олди, даларни текислаш, коллектор-дренаж ва суғориш шохобчаларини тозалаш ҳамда бетонлаш, зарур миқдорда эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун кўпроқ маблағлар ажратди. Хуллас, қўкламги дала ишларига ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилди.

Ер тобга келиши ҳамон агрегатлар далаларга чиқарилди. Барака уруғи қадашни биринчи бўлиб озуқачиликка ихтисослашган бригада азаматлари бошладилар. Улар 135 гектар майдонга беда, 20 гектарга озуқабоп лавлаги экишди. Кейин навбат сабзавоткорларга келди. Апрелнинг биринчи ўн кунлиги охирида пахтакорлар ҳам экишни бошлаб юбордилар.

Ҳар қачонгидек меҳнат беллашувида К. Мадиёров, Р. Муртозов, С. Саидов ва Ю. Ашуров бошлиқ бригадаларнинг азаматлари пешқадамликни қўлга олдилар. Юсуфали Ашуров бошлиқ бригаданинг механизатори Зиёд Оллаёров ва сеялкачи Солижон Собировдан иборат экиш экипажи мавсумда зарбдорчасига ишлаш намунасини кўрсатди. Бу коллективга КПСС аъзолигига кандидат раҳбарлик қилади. Экинзорлар янги ўзлаштирилганига қарамай ўтган йили 87 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил кўтарилди. Жорий йилда ушбу маррадан анча ўзиб кетиш мўлжалланаяпти.

Охунбобоев номли колхоз ўзига хос хўжалик. У уруғчиликка ихтисослашган. Демак, масъулият катта. Бу ерда биронта ҳам ишнинг жиловини бўш қўйиш мумкин эмас. Ҳаммаси агротехника қоидаларига қатъий мос равишда бажарилиши зарур. Акс ҳолда уруғлик сифатсиз бўлади.

Бу йил хўжаликда ўрта толали С—6524 пахта нави экилди. Деҳқонлар қиш фаслидаёқ бу навнинг агротехникасини, парваришлаш сирларини қунт билан ўргандилар. Шу боисдан бўлса керак, чигит экиш пайтида биронта ҳам камчиликка йўл қўйилмади. Буни хўжаликнинг агрономия хизмати ходимлари, бригада бошлиқлари қатъий назорат қилдилар.

Колхознинг социалистик мусобақада пешқадам бўлишини фақатгина хўжалик ҳисоби жорий этилганлиги билан изоҳлаш камлик қилади. Бошқа омил ҳам бор. Бу — одамларга ғамхўрлик, уларнинг эҳтиёжларига сезгирлик. Меҳнаткашларнинг фидокорона меҳнатдан сўнг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Правление шу мақсад учун маблағни аямаяпти. Ўтган йили колхоз территориясидаги барча қишлоқларга водопровод ўтказилди. Бу иншоот хўжалик учун 500 минг сўмга тушди. Бироқ правление раиси ва аъзолари бундан сира ранжимайдилар. Чунки одамларнинг сиҳат-саломатлиги сарфланган маблағлардан кўра қимматроқдир.

Ҳар бир қишлоқда фельдшерлик-акушерлик пункти мавжуд. Кейинги уч йил мобайнида уч ерда шундай пунктлар очилди ва жами олтитага етказилди. Уларда уч врач, ўн нафар ўрта медицина ходими ишламоқда. Шу вақт мобайнида 150 ва 250 ўринли иккита қишки клуб, иккита болалар боғчаси, минерал ўғитлар омбори, дала шийпони қурилди. Яқин орада колхоз боғида 30 ўринли хўжаликлараро санаторий-профилакторий қурилиши бошланади.

Ҳа, одамлар астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар беш йилликнинг учинчи йили мўл ҳосилига пухта замин яратиш учун астойдил бел боғлаганлар. Биз колхоз далаларида бўлганимизда бунга тўла ишонч ҳосил қилдик. Хўжаликдан қайтар эканмиз, йўлда бош агроном А. Хозиқовга дуч келдик. Унинг кафтида ниш ура бошлаган бир нечта чигит турарди. «Қаранг-а, — деди у чигитларга ишора қилиб, — яқингинада қадалган эди, мана энди тупроқдан бош кўтариб чиқаяпти. Демак, бу йилги ҳосил чакки бўлмайди».

Н. КОПЕЙКИС.

СУРАТЛАРДА: 1. Колхоз бош агрономи А. Хозиқов ва бригада бошлиғи К. Мадиёров пайкалда. 2. Механизатор З. Оллаёров ва сеялкачи С. Собиров ўз ишларидан мамнун.

Г. ЕҚУБОВ фотолари.

Саъди Ҳасанович СИРОЖИДДИНОВ

Йирик математик олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, 1952 йилдан КПСС аъзоси, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети кафедрасининг мудири Саъди Ҳасанович Сирожиддинов 1988 йил 29 апрель куни 68 ёшида вафот этди.

С. Ҳ. Сирожиддинов 1920 йил 10 май куни Қўқон шаҳрида туғилган. 1942 йилда Ўрта Осиё давлат университетини битириб, Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Урушдан кейинги йилларда у ЎзССР Фанлар академияси математика институти аспирантурасида ва СССР Фанлар академиясининг В. А. Стеклов номидаги математика институтининг докторантурасида таълим олди. 1953 йилда докторлик диссертациясини ёқлаганидан кейин М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетида профессор, ЎзССР Фанлар академияси математика институтида директор бўлиб ишлади. 10 йилдан кўпроқ давр мобайнида ЎзССР Фанлар академияси президиуми аъзоси, шу академия вице-президенти, 1966—1970 йилларда ва 1983—1987 йилларда В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ректори бўлди.

С. Ҳ. Сирожиддинов Ўзбекистонда эҳтимоллик назарияси ва математик статистика илмий мактабининг асосчиларидан бири бўлди, бу йўналишдаги, шунингдек математик анализ ва Ўрта Осиё математикаси тарихи соҳасидаги чуқур тадқиқотларнинг автори эди. С. Ҳ Сирожиддинов 120 дан кўпроқ илмий асарлар ва бир қанча монографияларнинг авторидир. У 60 дан кўп фан доктори ва кандидатини етиштирди. Катта илмий хизматлари учун у 1956 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1966 йилда шу академиянинг ҳақиқий аъзоси, бир қанча халқаро ва Бутуниттифоқ математика жамиятлари ҳамда илмий кенгашларнинг аъзоси этиб сайланди.

С. Ҳ. Сирожиддинов ўзининг самарали илмий-педагогик ишини катта ташкилотчилик ва жамоатчилик фаолияти билан бирга қўшиб олиб борди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати ва раиси этиб сайланган эди.

С. Ҳ. Сирожиддинов партия ишига садоқати, фаол гражданлик позицияси, камтар ва меҳрибонлиги билан ажралиб турарди. У республика илмий жамоатчилигининг иззат-ҳурматига сазовор бўлди.

Партия ва ҳукумат С. Ҳ. Сирожиддиновнинг илмий-педагоглик ва жамоатчилик фаолиятига юксак баҳо бердилар. У Ленин ордени, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги орденлари, медаллар билан мукофотланган эди. У Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига ва «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Ватаннинг содиқ фарзанди, олим ва ажойиб инсон Саъди Ҳасанович Сирожиддиновнинг ёрқин хотираси қалбимизда ҳамиша сақланади.

Р. Н. Нишонов, Т. А. Алимов, В. П. Анишчев, В. А. Антонов, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, В. И. Огарок, Н. И. Попов, Қ. Салиқов, П. Ҳабибуллаев, М. Х. Холмуҳамедов, Ҳ. Алимова, И. Ҳ. Жўрабеков, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, С. У. Султонова, М. С. Салоҳиддинов, Н. Тўхлиев, О. В. Лебедев, Т. Рашидов, З. Салимов, Э. Юсупов, Т. А. Саримсоқов, Ш. О. Алимов, Т. Ж. Жўраев.

ХАЛАҚИТ БЕРА ОЛМАДИ

Термиз порти докерлари афғон шамоли турганлигига қарамай ишни тўхтатганлари йўқ. Қум-тўзонли кучли шамол вақтида ҳам чўғара орқали Ҳайратон портига жўнатиладиган юклар баржаларга бир маромда ортилмоқда. Докерлар ўзлари яратган янгиликни — кемалар боғлаб қўйиладиган ва сузиб юрадиган қурилмани амалда синовдан ўтказдилар.

Техника хавфсизлиги қоидаларига кўра кучли шамол пайтида 32 тоннали порт кранлари билан юк ортиш тақиқланган. Афғон шамоли жуда хавфли бўлиб, соатига 100 километр тезликда эсади. Ўз йўлида учраган тошларни ҳам худди пардек учириб кетади. Ана шу шамол туфайли порт ишчилари кун бўйи бекор туриб қолишар, соҳил машиналар, яшиклар ва бошқа нарсалар ортилган контейнерларга тўлиб кетарди. Бу юкларни нариги қирғоқда сабрсизлик билан кутишарди.

— Ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиш натижасида йўқотилган вақтнигина эмас, пулни ҳам ҳисоблашга мажбур бўлдик, — дейди порт бошлиғи В. Ченчик. — Ихтирочиларимиз ишдан чиққан баржани сузувчи кемага айлантириб, уни қайта жиҳозладилар. Энди ноқулай об-ҳаво шароитида автопогрузчиклар билан ишлаяпмиз. Йил давомида юкларни узлуксиз жўнатиб туриш имкониятига эга бўлдик.

Термиз портчилари бу йил бир миллион сўмдан ортиқ қўшимча фойда олишни режалаштирдилар.

(ЎзТАГ).

МАКТУБ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ

ПРОРАБДАН НЕГА ҲАММА НОРОЗИ?

«Ҳурматли редакция!

Ушбу шикоятни ёзишга совхозимиз прораби Ҳасан Одиловнинг ўз вазифасига масъулиятсизларча ёндашиши, баъзи ҳолларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилиши, хўжалигимизда кейинги йилларда қурилиш ва ободонлаштириш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмаганлиги, давлат маблағлари ҳуда-беҳуда ҳавога совриладиганлиги мажбур этди. Айрим масалаларнинг пала-партиш, юзаки ҳал этилишига прорабнинг олий маълумотли мутахассис эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, институтларни тугатиб, қурувчи-инженер ихтисослигини эгаллаган кўпгина ёшлар мастерлик вазифаларида ва бошқа оддий ишларда меҳнат қилишаяпти. 1979 йилдан бери шу лавозимни эгаллаб келаётган Ҳ. Одиловнинг фаолияти текширилиб, унинг хатти-ҳаракатларига баҳо берилишини сўраймиз.

Бахмал районидаги «Рассвет» совхози ишчилари номидан: Ҳ. Сувонқулов, Ф. Холмирзаев, М. Мустафоқулов, Ҳ. Номуродов ва бошқалар. (Жами 31 киши имзо чеккан).

Мактубни синчиклаб ўқир эканмиз, унга қўл қўйган кишиларнинг касб-кори билан ҳам қизиқдик. Усмонали Тўқсонов ва Абдушукур Шодмонқулов тракторчи, Тиловберди Бобоев ҳайдовчи, Абулқосим Абдуллаев бригада бошлиғи экан. Бошқалар ҳам совхоз ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларида — деҳқончиликда, чўчқачилик комплексида, сут-товар фермасида ишловчи кишилар. Хўжалик маркази — Барлос посёлкасидаги мактабда ўқитувчилик қилувчи Нормамат Арчабоев, Неъматилла Шодиёровлар ҳам шикоятга имзо чекишган. Демак, совхоз аҳолисининг барча қатламлари прораб Ҳ. Одилов фаолиятидан норози. Хўш, нега? Бу саволга жавоб бериш учун шикоятда тилга олинган далилларни, камчилик ва нуқсонларни бирма-бир таҳлил этиб чиқайлик.

Биринчи масала совхозда 1983—1987 йилларда қурилиб ва ободончилик ишлари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилгани, Барлос қишлоғидаги мактаб сингари муҳим объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда планга киритиш узоқ давр пайсалга солингани, умуман бу борада бирон бир силжиш кўзга ташланмаётгани билан боғлиқ. Хўжаликдаги ҳужжатларни кўздан кечириб, ҳақиқий аҳволни кўрганимизда шикоятдаги гаплар асосли эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Кейинги беш йилда совхозда пудратчи ташкилотлар ва хўжаликнинг қурилиш участкаси кучи билан атиги 428 минг сўмлик иш қилинган. Озуқа цехи, сунъий қочириш пункти, чўчқахона, бир неча турар-жой биноси барпо этилган, холос. Прораб Ҳасан Одилов иккита артезиан қудуғини қаздириш ва уларни ускуналашда кўзбўямачиликка йўл қўйган. Яъни уларнинг ишчи чизмалари ҳамда смета ҳужжатларида экинни ва чорва молларни суғориш учун эканлиги қайд этилган. Ваҳоланки, ҳар икки артезиан экинзорлар ёки чорва фермалари яқинида эмас, аҳоли истиқомат қиладиган жойларга яқин ерда қазилган. Давлатнинг 37 минг сўм маблағи кетган бу қудуқлар уч-тўрт йилдан бери ҳеч қандай наф бермаяпти. Чунки баъзи ишлар қўл учида, сифатсиз адо этилган. Прораб Ҳ. Одилов эса совхознинг шу соҳа бўйича мутахассиси сифатида қатъий назорат ўрнатмаган. Бундан ташқари артезианлардан фойдаланилмаганлиги сабабли кўп ускуналари аллақачон ишдан чиққан. Икки йил муқаддам қудуқлар сувини қувурлар орқали мактабга, хонадонларга олиб бориш кўзда тутилганди. Бу хайрли иш ҳам Одилов жон қойитмаганлиги сабабли ўлда-жўлда қолиб кетди.

Прораб ўз вазифасига совуққонлик билан қарар экан, совхоз дирекцияси, партия комитети бирон бир чора кўрганми, деган ҳаққоний савол туғилиши табиий. Худди шу хусусда бир неча йиллардан бери совхоз партия комитети секретари бўлиб ишлаб келаётган Бозорбой Саримсоқов билан суҳбатлашдик .

— Коммунист Ҳасан Одиловнинг ўз вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашиши, қурилиш ва ободончилик ишлари қониқарсиз эканлиги икки-уч йилдан бери партия йиғилишларида танқид қилинади. 1985 йилнинг ноябрь ойида биринчи муҳокама бўлганлигини эътиборга олиб Одиловга ҳайфсан бериш билан чекланган эдик. Хўжалик коммунистлари у ўз фаолиятида ўзгариш қилади деб ўйлагандилар. Афсуски, прораб таҳқиддан тегишли хулоса чиқармади. Аҳвол аввалгича қолди. 1987 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган партия йиғилишида хўжаликда қурилиш ишлари қониқарсиз эканлиги, муҳим объектлар планга киритилмай қолганлиги учун прораб Ҳасан Одиловга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан ҳайфсан эълон қилинди.

— Шундан кейин ўзгариш бўлдими?

— Афсуски, йўқ.

— КПСС Уставига кўра коммунистга берилган партиявий жазо қандай натижа берганлиги масаласи бир йилдан кейин кўриб чиқилиши керак. Одиловга ҳайфсан берилганидан буён шунча вақт ўтибди. Совхоз партия комитети бу масалага қайтдими?

— Тўғри, 1988 йилнинг февраль охирида ҳайфсан эълон қилинганига бир йилдан ошди. Худди шу пайтда турли партия, тергов органларига совхоз меҳнаткашлари номидан Одиловнинг ножўя хатти-ҳаракатлари хусусида шикоятлар тушди. Текширишлар ниҳоясига етиб, бирон бир хулосага келингач бу масалани принципиал муҳокама этамиз.

Редакцияга йўлланган шикоятда прораб Ҳ. Одиловнинг лоқайдлигини, эл-юрт мулки ҳавога совурилишига бефарқ қаровчи ходимлигини, айрим ҳолларда хизмат мавқеини суиистеъмол қилишини кўрсатувчи кўпгина далиллар келтирилган. Уларнинг баъзиларига тўхталайлик. Тўрт йил муқаддам совхознинг чўчқачилик комплексида 50 бошга мўлжалланган қўшимча бино қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланди ва уни барпо этишга киришилди. Хўжаликка қарашли машиналар билан тош-шағал олиб келинди. Совхоз қурилиш участкаси ишчилари пойдевор қўйишди, 70 метр узунликдаги бино деворининг бир ярим метрини тиклашди. Шу орада бинокорлик материалларининг баҳосида ўзгариш бўлиб, смета ҳужжатларини қайта тайёрлаш лозим топилиб қолди. Бу — биринчи навбатда прораб Одиловнинг вазифаси. У зудлик билан лойиҳа институтига борўб, смета ҳужжатларини тўғрилаб келиши ва иш поёнига етказилиши зарур эди. Афсуски, прораб бу ишни бир йилдан ортиқ пайсалга солди. Қолган ишга қор ёғар деганларидек, 1986 йил декабрь ойининг охирида қўшимча бино қурилиши тегишли ҳужжатлар йўқлиги сабабли тўхтатилди. 1988 йилнинг бошида эса давлатнинг 36 минг сўм маблағи сарфланиб, ярми тиклланган бино ҳеч қандай ҳужжатсиз бузиб ташланди. Девор ва пойдеворнинг тошхарсангларини ажратиб олишга ҳам анчагина ишчи кучи сарфланди.

Худди шундай ўзбошимчалик совхоз машина-трактор паркидаги техника воситалари сақланадиган 70 метрлик айвонни бузиб ташлашда ҳам намоён бўлди. Хўжалик балансида турган бу бинони тиклашга давлатнинг мингминглаб сўм маблағи сарфланган-ку, ахир! Тўғри, иморатнинг бир қисми бироз путурдан кетганди. Шунинг учун уни батамом бузиб ташлаш шартмиди? Кўпгина мутахассисларнинг, шу паркда ишловчиларнинг фикрича, айвонни ремонт қилиш ва яна узоқ вақт ундан фойдаланиш мумкин эди. Ўйламай иш қилиш оқибатида комбайнлар ҳозирги пайтда очиқ жойда сақланаяпти. Демак чўчқачилик комплекси учун қўшимча бино ва машина-трактор паркидаги айвон ҳеч қандай акт тузилмасдан, совхоз дирекциясида ошкора муҳокама этилмасдан бузиб юборилган. Эл-юрт мулкига, қадоқ қўлли кишиларнинг захмати эвазига вужудга келтирилган биноларга нисбатан бундай ўзбошимчаликни, хўжасизликни қандай баҳолаш мумкин?!

Шикоятда номи тилга олинган чўчқачилик комплекси теварак-атрофини темир панжара билан ўраш жараёнида прораб Ҳ. Одилов томонидан ножўя ишларга қўл урилганлиги қайд этилган. Ҳужжатларни ўрганиш ва бажарилган ишни кўриш пайтида қуйидагилар аниқланди: чўчқачилик комплекси, сут-товар фермаси ва машина-трактор парки теварак-атрофини темир панжаралар билан ўраш учун жами 103 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган. 1987 йили 1.350 метр масофага панжара қилинган. Металл йўқлиги сабабли иш давом эттирилмаяпти. Ҳозиргача 37 минг сўм сарфланган. Шундан 24,8 минг сўми иш ҳақига берилган. Панжаралар тайёрлаш, уларни ўрнатиш учун прораб Ҳ. Одилов ва совхоз директори Н. И. Аранбоевлар 1987 йилнинг февралида ўн икки кишини вақтинча, яъни мавсумий ишга қабул қилишган. Кадрлар бўлимида доимий ишловчи фақат бир кишининг меҳнат дафтарчаси бор. Қолган ўн бир кишига тегишли бланкани тўлдириш билан чекланилган. Вақтинча ишга қабул қилинганларнинг деярли ҳаммаси орадан ўн тўрт ой ўтган бўлишига қарамай ҳамон совхоз ҳисобида туришибди. Юқорида таъкидланган 24,8 минг сўм иш ҳақи тўланган ведомостларда 8—12 кишининг фамилияси ёзилган. Шикоят муаллифлари эса панжара тайёрлаш, уни ўрнатиш уларнинг кўз олдиларида бўлганлигини, бу ишларни фақат тўртбеш киши адо этганлигини қайта-қайта таъкидлашди. Бу молиявий масалага ойдинлик киритишни қилни қирқ ёрувчи тергов органларига ҳавола этамиз. Шу ташкилотлар панжара ўраш билан боғлиқ яна бир масалани синчиклаб ўрганишлари керак. Яъни юқорида таъкидланган 37 минг сўмнинг деярли 6 минг сўми Бахмал район РАПОсига қарашли ремонт-ишлаб чиқариш корхонасига ўтказилган. Прораб Ҳ. Одилов имзо чеккан ҳужжатда шу ташкилот бульдозерчиларидан тўрт киши икки ой давомида панжара ўрнатиладиган жойларда катта ҳажмда тупроқ ишларини адо этганлиги, тупроқни 60 метр масофага суриб борганликлари қайд этилган. Редакцияга мурожаат қилганлар эса бу объектда тупроқ суриш ишлари бажарилмаганига гувоҳлик беришмоқда. Биз ҳам панжаралар ернинг табиий рельефига ўрнатилганининг гувоҳи бўлдик. Шу сабабдан текширувчилар бу масалани атрофлича ўрганишлари зарур.

Сафаримиз сўнгида халқ депутатлари Жиззах область Совети депутати, «Рассвет» совхози сут-товар фермаси бригадири Ш. Абдуллаев билан учрашиб, ундан шикоятда кўтарилган масалаларга ва умуман прораб Ҳ. Одилов фаолиятига қандай муносабатда эканлигини сўрадик.

— Бу кўп йиллардан бери чўзилиб, ҳал этилмай келинаётган масала. Прораб Ҳасан Одилов қурилиш ва ободончилик ишларини олдинга силжитмагани устига совхоз посёлкаси бош планининг рўёбга чиқарилишини турли хатти-ҳаракатлар билан орқага суриб келаяпти. Ҳатто баъзи ҳолларда унга хилоф ишлар қилишга уринди. Масалан, икки йил муқаддам кенгайтирилиши эмас, балки фақат сақлаб турилиши кўзда тутилган, бош плани бўлмаган Музбел қишлоғида йиғирмата турар-жой биносини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, ишга киришишга ҳозирлик кўрилди. Депутатларнинг фаол ҳаракати билангина бош план бузилишининг олди олинди. Одиловнинг шундай ножўя ишлари кўпгина ихтилоф келтириб чиқарди, совхоз меҳнаткашларининг кайфиятига салбий таъсир этиб келаяпти. Қачонгача бундай ўзбошимчалик, бедодлик давом этади?!

Депутатнинг ана шу саволини «Рассвет» совхози дирекцияси, партия, касаба союз комитетлари, қолаверса Бахмал район ҳуқуқ-тартибот органлари эътиборига ҳавола этамиз.

С. САЙДАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Билиб қўйинг, жуда қизиқ!

КЎЗГУДА—ШАҲАР

Биз ҳозирда СССР шаҳарлари тўғрисида нималарни биламиз? Кўринишда бу савол оддий туюлади. Ўйлаб кўрилса, биз бу хусусда кўп нарсалардан бехабар эканлигимиз маълум бўлади. Ватанимизда энг катта шаҳар деганда Москванинг номини янглишмай тилга оламиз. Пойтахтдан кейин Ленинград, Киев, Тошкент келади. Кўплар, катталикда бешинчи ўринда Харьков туради, деб ҳисоблашади. Бироқ, маълум бўлишича, Боку ундан ўтиб кетибди. 1987 йил биринчи январда Озарбайжон пойтахти — Бокунинг аҳолиси 1 миллион 714 минг кишини ташкил этди. Ҳозир мамлакатимизда ана шундай миллионер шаҳарлар сони 23 тага етди.

— Хўш, қайси шаҳарда туғилиш кўп экан? Бу саволга ҳар ким ҳам жавоб беролмаса керак. Бу бобда СССР Статистика давлат комитети ёрдамига муҳтож бўламиз. Ана шу олий маҳкама иттифоқчи республикалар пойтахтлари ва мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари ҳаётига оид қизиқарли маълумотлар тайёрлаган. Биз уни диққатингизга ҳавола қиламиз.

* * *

1986 йил ҳар минг киши ҳисобига энг кўп туғилиш Душанбеда кузатилди, яъни бу шаҳарда 25,4 нафар чақалоқ дунёга келди. Бу кўрсаткич Ашхободда — 25,0, Москвада — 14,3, Ленинградда — 14,7, Киевда — 14,3 нафарни ташкил этди. Энг кам туғилиш Одессада — 12,7 нафар.

* * *

Минг киши ҳисобига ўлганлар сони энг кўп Москвада (11,6) ва Ленинградда (11,4) содир бўлди. Нима бўлганда ҳам стресс оқибатлари ва катта шаҳарларнинг бошқа хил «аломат»лари саломатликка муайян даражада салбий таъсир қилмай қолмайди. Бу ноҳуш ҳодиса бобида аҳвол Ереван (5,6), Минск (5,7), Кишенев (6,0) шаҳарларида бир мунча дурустроқ. Табиий кўпайиш соҳасида биринчилик шарафи Душанбе Ашхобод ва Кишенев шаҳарларида.

* * *

Никоҳ тўйларига келсак, бундай суюкли маросим Иттифоқимизда энг кўп Ленинградда бўлиб турараркан. Бу ерда ҳар минг киши ҳисобига 11,8 та никоҳ тўғри келади. Вильнюсда 11,6, Омскда 11,3, Уфада 8,4, Ереванда 8,5 та никоҳ тўйлари бўлади. Маълумотларга қараганда энг барқарор никоҳларни Тбилиси ва Ереванда кўриш мумкин. Бу шаҳарларда ажралишлар сони минг киши ҳисобида тегишинча 2,3 ва 2,0 ни ташкил қилади. Бу ҳодиса Ростов-Дон (5,6) ва Днепропетровск (5,5) шаҳарларида кўпроқ содир бўлади.

* * *

Мамлакатимизда турар жой фонди қай аҳволда? Бунда рақамлар ниҳоятда катта — 1986 йил охирида умумий турар жой майдони 2. 640. 487 минг квадрат метрни ташкил этди. Энди савол туғилади: 1986 йили қанча квартира бино қилинди? Мамлакат миқёсида ҳаммаси бўлиб икки миллион юз минг квартира қад кўтарди. Ҳозир мамлакатимизнинг ўн бир шаҳрида метро бор.

* * *

Маълумки, шаҳарликларнинг қулай яшашлари кўпроқ транспортга боғлиқ. Бу хусусда энг қулайи метродир. 1986 йили метро 4 миллиард 624 миллион 100 минг йўловчининг узоғини яқин қилди. Бу бобда, турган гап; Москва метросининг олдига тушадигани йўқ: ҳалиги йўловчиларнинг ярмиси пойтахт метроси хизматидан баҳраманд бўлган.

* * *

Мамлакатимизда энг узун трамвай линиялари Ленинградда — 684,3 километр. Бу кўрсаткич Москвада 467,1, Киевда 273,1 километрни ташкил қилади. 1986 йили Киев трамвайи 346 миллион 900 минг, Харьков трамвайи эса 255 миллион 400 минг йўловчини манзилларга элтиб қўйди. Троллейбуслар Москва ва Ленинграддан сўнг Киевда (400 миллион) ва Минскда (375 миллион) энг кўп пассажир ташилди.

* * *

Мамлакатимизда 1986 йил бошида 896 олий, 4.506 ўрта махсус ўқув юртлари мавжуд бўлган. Олий ўқув юртларида жами 5 миллион 88 минг, техникум ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида 4,5 миллион талаба таълим олди. Москва ва Ленинград студентларга энг кўп шаҳарлар саналади. Харьковда 19, Киев ва Тошкентда 18 тадан, Олмаотада—16 та олий ўқув юрти бор.

* * *

Мактаб ўқувчиларининг кўплиги жиҳатидан Москва ва Ленинград, Киев ва Тошкентдан кейин Боку (265 минг), Минск (220 минг). Харьков (195 минг) шаҳарларини кўрсатиш мумкин.

* * *

Музейлар сони жиҳатидан Москва ва Ленинграддан кейин Боку олдинги ўринни эгаллайди. Унда 33 та музей ишлаб турибди. Таллинда 24, Киев ва Ригада 23 тадан музей бор. Харьков, Омск, Донецк, Днепропетровск шаҳарларида бор-йўғи 2 тадан музей мавжуд. Пермь ва Челябинск шаҳарларида эса бу муассасадан учтагина бор.

* * *

Театрлар бобида яна Москва ва Ленинград шаҳарлари биринчи ўринда. Булардан кейинги ўринларда Тбилиси (14), Киев (11), Ереван (10), Тошкент (10) туради.

* * *

Кутубхоналар билан яна ўша улуғ шаҳарлар — Москва, Ленинграддан сўнг Тошкент (286), Харьков (261), Свердловск (194) шаҳарлари яхши таъминланган.

* * *

Саломатлик — туман бойлик, дейдилар. Хўш, бу бобда катта шаҳарларимиздаги аҳвол қандай? Масалан, Москвада 1986 йилда ҳар ўн минг киши ҳисобига касалхоналарда 149,2 та ўрин, 104,9 врач ва 172,7 ўрта медицина ходимлари тўғри келди. Лекин бу соҳада пойтахтимиз биринчиликни ололмади. Ҳалиги ҳисобда касалхона ўринлари сони Вильнюсда 180,5, Фрунзеда 167,0, Олмаотада 165,3 ни; врачлар нафари Тбилисида 125,6, Кишиневда 96,1 ни ташкил этди.

Статистика маълумотлари кўзгусида Москва, Ленинград ва иттифоқчи республикалар пойтахтларининг бир қатор соҳалардаги қиёфаси ана шундай.

А. САШИН.
(«Фан ва турмуш» журналидан).



Тикувчилик касби — нозик. Бухоро зардўзлик фабрикаси чеварлари буни яхши тушунадилар.

Корхонада эллик хилдан зиёд буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилда яна етти турдаги маҳсулот ўзлаштирилади.

СУРАТДА: фабрика чеварлари иш устида.

Б. ЮСУПОВ фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Совет турмуш тарзи

У ҲАМОН САФДА

Шундай кишилар борки, узоқ йиллар меҳнат қилиб, қарилик гаштини суриш ўрнига, ўзларини қайноқ меҳнат қучоғида — бунёдкорлар сафида бўлишни афзал кўрадилар. Аслон ака Пиров оиласи бунга мисол. Пешку районидаги ибн Сино қишлоқ Советига қарашли Охунбобоев номли колхознинг Чоробод қишлоғида истиқомат қилувчи бу оилани нафақат меҳнаткаш, балки пири бадавлат деса арзийди.

Соҳиби хонадан Аслон ака 1941 йилдан буён пиллачилик билан шуғулланади. Айни кунда Охунбобоев номли колхозда пиллачилик агрономи вазифасида тер тўкмоқда.

— Мен 47 йилдан буён меҳнат қилиб келаяпман. Шу ўтган давр мобайнида Узоқ Ёдгоров, Тожи Тоғаева, Сувон Олимов каби ўндан ортиқ шогирдлар тарбияладимки, улар билан ҳақли равишда фахрланаман.

У етакчилик қилган кумуш тола ижодкорлари ўтган йили планни 109 процентга уддалашди. Хўжаликдаги 113 та звено белгиланган пландан кўп пилла топширди. Эришилган бу ютуқда агроном Аслон Пировнинг хизмати катта. Чунки у киши бой ҳаётий тажрибаси, доно маслаҳати билан звено бошлиқларига ёрдам берди. Отахоннинг кўп йиллик меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унинг кўкисини «Ҳурмат белгиси» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» ва ўнлаб бошқа медаллар безаб турибди.

Тажрибали пиллачи шахсий ҳаётда ҳам кўпчиликка ўрнак. Умр йўлдоши Умида Нўлдошева билан уч ўғил, беш қизни тарбиялаб вояга етказишди. Уларнинг 33 невараси бор.

Р. АСЛОНОВ.

«КЎРГАН ВА ЭШИТГАНЛАРИМ» ТУРКУМИДАН

ОРЗУГА АЙЙЎҚ

Қўнгил нима демайди, Тушга нима кирмайди.

Барвақт туриб сайрга чиқдим-у беихтиёр ёқа ушладим: йўлларга шундай қўллатиб сув сепишибдики, асти қўяверасиз. Тўғри, илгарилари ҳам эрталаб шундай қилинарди, лекин бунақа эмасди. Машина визиллаганича ўтар, асфальтнинг бир жойига сув тегса тегиб, бўлмаса қуруқлигича қолаверарди. Йўлнинг четидаги тупроқ эса умуман нам кўрмасди. Бундан мақсад — йўл ва унинг четидаги чангни бостириш экан. Шундай қилиш керак-да, дедиму йўлимда давом этдим.

Ё алҳазар, банк ёнида сартарошхона пайдо бўлибди. Уста «Мафтунингман» кинофильмидаги ҳамкасбининг қўшиғини айтиб, шинавандаларни хушнуд этаётир. Соч-соқолини олдирган одамларнинг оғзи қулоғида, сартарош орқали маиший хизмат комбинати раҳбарларига миннатдорчилик билдириб кетишаяпти. Тўғрида, илгари ҳам ҳуддй шу ерда сартарошхона бор эди. Атрофдаги ташкилотларда ишлайдиган, бирор юмуш билан узоқ-яқиндан келиб турадиган одамлар ҳам ҳожатларини чиқариб туришарди. Бир ношуд раҳбарнинг кўрсатмаси билан сартарошхона кўтарилган, тепакдайгина жойда учта устахона очилган, аниқроғи хизмат кўрсатиш йиғиштирилган эди. Бу ерда қайтадан сартарошхона очиб, жуда мақбул иш қилишибди валломатлар!

Ёпирай, гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўкон ҳам очилибдими? Ҳа, шундай бўлибди. Қаранг, қўй, мол, ўрдак, товуқ, ғоз гўшти, хилма-хил консервалару колбасалар, калла-поччагача бор-а! Нархи ҳам арзонгина, навбат деган нарса йўқ. Бозордаги қассобларнинг гўштга калла гўшти, жигар, буйрак, юрак қўшиб сотишдек «мушкул иши»ни роса енгиллаштиришибди-да. Вой, аламатлар!

Озиқ-овқат магазинидаги молларнинг мўл-кўллигини кўриб, кўзингиз қувнайди: каттакичик бўрсилдоқ нонлар, тешик кулчалар, гуруч, макарон, шоколадларни, турфа хил шарбатларни айтмайсизми? Илгарилари анқонинг тухуми билан баб-баравар бўлган ҳинд, цейлон ва 95-чой ҳам қалашиб ётибди. Анави дўконда сут, қатиқ, пишлоқ, сариёғ ва бошқа ўнлаб турдаги маҳсулотлар варанглатиб сотилаётир. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш бундай бўпти-да. Балли!

Ресторан ва ошхоналарда сергўшт қайнатма шўрва, лагмон, кабоб, палов, мастава, чучвара, гўжа ва бошқа-бошқа хилдаги мазали миллий таомлар тайёрланадиган бўпти. Семизликни қўй кўтаради, деганлари рост экан, анави хўрандаларга қаранг: «Ҳой, бирадар, семиз гўшт ва думба ёғи менинг соғлиғимга мос эмас. Сомсага намунча думба тиқмасанг», — деса, унинг ёнидагиси: «Мантининг пиёзидан гўшти кўп экан, қотиб қопти», — деб нолимоқда. Вой ношукур бандалар-ей, илгарилари умумий овқатланиш тоҳчаларида аҳвол қандай бўлганини билмайсанлар-да, тирноқ тагидан кир қидириб ўтирибсанлар, тавба денглар, шукур қилларинг!

Бозор расталарида одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор, тўкин-сочинлик ва арзончилик. Шу ердаги чойхонанинг бир томонига қариялар учун чорпоялар қўйилиб, чўғдай кўрпачалар тўшалибди. Отахонлар янги, пахта гули тўширилган чойнак-пиёлаларда чой хўплаб, дастрўмоллари билан елпиниб ўтиришибди. Дастурхонда ҳозиргина тандирдан узилган оби нонлар, қанд-қурс, майиз, туршак, новвот, нишолдагача бор. Сал нарирокда ёшлар гурунглашаяптилар.

Бозорга кираверишда чекчи бир кишини тўхтатиб: «Бирадари азиз, биринчи марта келаяпсиз чоғи, помидорнинг килосини фалон тийиндан сотасиз. Бир тийин ошириб қўйсангиз, 10 сўм жарима тўлайсиз», — деб огоҳлантираяпти. Бозорком кўкрагини сандондай қилиб, у растадан бу растага ўтади, бировни мақтаб, бошқага танбеҳ беради.

Қассоблар: «Кеп қолинг, гўшт эмас, мой чайнайсиз. Чучвараболи, кавоббоп гўшт қўйиб бераман», — деб жар солишади. «Тирик балиқлар» дўконининг сотувчиси ҳам харидорларнинг кўнглини топиш учун елиб-югуради. Қатор кетган кичик дўконларда полиздан, боғ ва узумзордан янги келтирилган мева-чевалар, сабзавот ва қовун-тарвузлар диркиллайди. Шундай дўконнинг олдида бир киши: «Кеча узилган карамни уялмай бугун сотаяпсизми?», — деб турибди. Ҳайратдан беихтиёр ёқа ушлайсан: «Ҳей, илгарилари бозорга кирсанг, мева-чеванинг ҳиди бурнингни ёрса, нархи чўнтагингга чўғ соларди. Нософсизлик қилма, олавер», — деб юборгинг келади. Рост-да, ўша пайтларда бозордаги нарх доимо ликанглаб турар, кунига бир неча марта ўзгарарди. Чайқовчилар колхозчидан маҳсулотни арзон нархда олишарди-да, қимматга пуллашарди. Қаранг, ҳозир улардан номнишон қолмабди. Ҳар бир маҳсулот белгиланган нархда сотиляпти. Бозордагиси қиммат-роқ туюлдими, марҳамат қилиб ўша нарсани арзон нархда давлат дўконидан харид қилинг.

Коммунал хўжалиги ходимлари хизматидан аҳолининг қай даражада мамнунлигини «Шикоят ва таклифлар» дафтаридаги ёзувлардан билса бўлади. «Кўчага чиқарилган ахлатларни чошгоҳга қолдирмаёқ олиб кетишади», «Кўчалар ёғ тушса ялагудек ялтираб туради, кечаси билан лампочкалар порлайди». «Коммунал хўжалигига қарашли уйларга канализация ўтказилганлиги айни муддао бўлди», «Коммунал уйга ўрнатилган умумий телевизор антеннаси нуқсонсиз ишлаяпти, бунинг учун ҳар ойда олаётган 20 тийинларинг ош бўлсин»...

Шу ерга етганда хотиним: «Ҳой, дадаси, биров сизни бўғизлаяптими, намунча хириллайсиз?» — деб уйғотиб юборди. Тушга нималар кирмайди, деганлари шу экан-да, азизлар! Нақ боғи эрамга етиб борганимда кампири қуғур уйғотиб юборса бўладими!

Кашфиётчи ёки Тиниб Тинчимасович кўрган тушни оққа кўчирувчи:

Ренат РАҲИМОВ.

МАКТАБДА БАЙРАМ

Калинин райони мактаблари тарбиявий ишлар ташкилотчиларининг бу сафаги семинар-кенгаши Ҳамза номли 2-мактабда ўтди. Унинг қатнашчиларини мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Қ. Комилов ва педагогик коллектив илиқ қарши олишди. Кун тартибига кўра улар бошланғич синф муаллимаси М. Ҳасанованинг одоб, янги программа асосида 2-синф болаларини ўқитаётган М. Раҳматуллаеванинг «Нон— ризқ-рўзимиз» мавзуларидаги машғулотларини кузатдилар. Адабиёт ўқитувчиси М. Туробованинг юқори синф ўқувчилари иштирокида тайёрлаган «Бой ила хизматчи» драмасидан парчаларни томоша қилдилар. М. Мусабоева, Ҳ. Юнусова, С. Даминов, Б. Маъруповнинг математика, география, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари, музика фанлари бўйича синфдан ташқари тарбиявий ишлари билан танишдилар. Тўғарак машғулотларида бўлдилар.

Шундан сўнг ўқувчилар, педагогик коллектив ва кенгаш иштирокчилари севимли болалар шоири Пўлат Мўмин билан учрашувга тўпландилар. Ёшларга бағишланган кўплаб шеърий тўпламлар, ажойиб қўшиқлар, саҳна асарлари муаллифи ўзининг ижодий фаолияти ва режалари ҳақида гапириб берди. Билимларни пухта эгаллашга, меҳнат, ижодкорлик билан шуғулланишга, яхши тарбия олиб, ғўло хулқ билан ўқишга даъват этувчи шеърларидан ўқиди.

Учрашув охирида Пўлат Мўмин ўқувчиларнинг саволларига жавоб қайтарди. Дружина советининг қарори билан шоир фахрий пионерликка қабул қилинди.

Ж. МАЪРУПОВ.

СПОРТ ахборети

ФУТБОЛ

Мамлакат биринчилигининг олий лигасида бўлиб ўтган еттинчи тур учрашувларида дарвозаларга ўн иккита тўп киритилди. Шулардан тўққизтаси майдон эгалари, учтаси меҳмонлар ҳисобига ёзилди. Тўрт учрашувда мезбонлар устун келдилар. Икки ўйин дуранг натижа берди.

«Жальгирис» (Вильнюс) — «Металлист» (Харьков) ва «Зенит» (Ленинград) — «Қайрат» (Олмаота) учрашувлари бир хил ҳисобда тугади — 2:1. Бокунинг «Нефтчи» командаси Одессанинг «Черноморец» коллективини мағлубиятга (2:0) учратди. Тбилиси динамочилари ҳам ҳисобларидаги очколарни иккитага кўпайтирдилар. Донецкнинг «Шахтёр» командасини қабул қилган грузин футболчилари рақиблари дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўллашди.

«Локомотив» (Москва) — «Торпедо» (Москва), «Арарат» Ереван) — «Днепр» (Днепропетровск) командалари учрашуви дуранг (1:1) (0:0) бўлди.

ОҒИР АТЛЕТИКА

Англиянинг Кардифф шаҳрида ўтказилган Европа чемпионатида димитровградлик Юрий Захаревич (110 килограммгача вазнда) 203,5 килограмм тош кўтариб, янги жаҳон рекордини ўрнатди. Бу билан у ўтган йили сентябрда Чехословакиянинг Острава шаҳрида қўйган рекордини 0,5 килограммга янгилади. Совет полвони қўшкураш натижасига кўра қитъа чемпиони унвонига сазовор бўлди.

САМБО

Токиода жаҳон кубоги учун бўлиб ўтган халқаро мусобақада совет спортчиларидан беш нафари ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди. Натижада СССР терма командаси биллур совринни қўлга киритди. Монголия самбочилари иккинчи, японияликлар учинчи бўлишди.

БОКС

ГФРнинг Карлсруэ шаҳрида йирик халқаро мусобақа ўтказиляпти. Унда иштирок этаётган совет боксчилари Исраэл Акопкохян, Александр Мирошниченко, Владислав Антонов ва Александр Островский ярим финалга чиқишди.

ЭРКИН КУРАШ

Гомелда ўсмирларнинг Бутуниттифоқ мусобақаси тугади. Бу турнир мамлакатимизнинг асосий командаси учун муносиб ўринбосарлар етишиб чиқаётганини кўрсатди. Чунончи мутахассислар мусобақа ғолиблари — маҳачқалалик С. Даудов, П. Залибеков, Н. Гажихонов, А. Савко, гроднолик А. Сабеев, бокулик А. Агаев, киевлик М. Чернов, волгоградлик Г. Азизов, москвалик Д. Тедев, тбилисилик Л. Эбаноидзенинг кураш олиб бориш услубига юксак баҳо бердилар.

Бухоро районидаги «Қоровулбозор» қорақўйчилик совхози 1-фермасининг бош чўпони, комсомол Комил Сафаров отарида қўзилатиш мавсуми намунали ўтмоқда. Сўзи билан иши бир моҳир чорвадор ҳар 100 совлиқдан 110 тадан қўзи олиш учун курашмоқда.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати «Лола» ашула ва рақс ансамбли чорвадорлар ҳузурида тез-тез бўлиб, дилрабо куй ва қўшиқлари билан уларни мамнун қилиб тура. ди. Бу гал санъаткорлар К. Сафаров отарида концерт беришди. Замира Аҳмедова, Дилнавоз Тоҳирова ижросидаги рақс. ларни, Худоёр Ражабовнинг ёқимли тароналарини чўпонлар мароқ билан тинглаб, томоша қилдилар.

СУРАТДА: яйловда концерт пайти.

Ҳ. ҚУРБОНОВ фотоси.

Телетомошабин мулоҳазаси

ЧЎЛ ҚАЛДИРҒОЧИ

Яқинда Ўзбекистон телевидениесида «Сув тоққа оқади» (сценарий муаллифи ва режиссёр Файзулла Хўжаев) фильми намойиш этилди. Шунда 1963 йил воқеалари хотирамга келди.

Ўша йили ўртоқларим — тўққизинчи синф ўқувчилари билан бирга Герман Титов номли 6-совхозда пахта теримида қатнашгандик. Фавқулодда шароитга тушиб қолган болаларнинг илк завқ-шавқи, совуқ бўлиши эҳтимолига кўра совхоз ишчилари томонидан ғамхўрлик билан иситиб қўйилган брезент чодирларни эсладим.

У вақтлар бутун пахта териш жараёни аъло даражада йўлга қўйилган — ҳар беш кунда якунлар чиқарилар, меҳнатдаги юксак кўрсаткичлари учун илғорлар Сирдарё область комсомол комитетининг фахрий ёрлиқлари, совхоз маъмуриятининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишарди. 29 октябрда эса тантанали гулхан ёнида ўртоқларим мени комсомол сафига қабул қилишди.

Биз дренаж қувурларни, чуқур қазиб ҳозирланган хандақларни, шўри ювишга тайёрлаб қўйилган далаларни ўшанда биринчи марта кўргандик. Лекин буларнинг ҳаммаси Мирзачўлда деярли илк маротаба, совхоз ишчиларининг фидокорлиги билан қилинаётганини ҳали тушуниб етмасдик. Совхоз директорининг исмини ҳам, фамилиясини ҳам билмасдик.

Унинг кейинги тақдири ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Қисмати жуда қийин кечган экан: бу ҳақда «Сув тоққа оқади» фильмида рўй-рост ҳикоя қилинди. Икки кун кейин бахтли тасодифга кўра мен «Лаззат» кафеси ёнидаги 1-магазиндан Ф. Хўжаевнинг «Мардлик қирралари» очерклар китобини сотиб олдим ва Саттор Усмонов ҳақида кўпроқ нарса ўқидим.

Масалан Саттор ака Усмонов итоатсизларни жазолашларини, интизом ва принципларни бузувчи сифатида ўртага чиқариб қўйишларини билгани ҳолда чекинмади, ерларни ювишни ниҳоясига етказди. У онгли равишда тоғ этагига оқишни истамади, чўққиларга интилди. Нима учун? Фильм бу саволга қаҳрамоннинг ва текст муаллифининг сўзлари билан жавоб беради. «Сув кетар, тош қолар». Ушбу ўзбек мақолини келтириш билан С. Усмонов оқизиб кетилганларнинг бари йўқ-лади, ҳаққонийси, олижаноби, мустаҳками қолади, деб таъкидлайди.

Оталар ибрати... Кино, телевидение, матбуот Саттор акага ўхшаганлар ҳақида, қаҳрамонона ҳаёт кечирган оталар ҳақида оз ҳикоя қилганликлари, кўнгилсизликлар ҳақидаги ахборотлар билан онгимизни кўзғатмаганликлари туфайли бизнинг болалигимиз чўзилиб кетмадимикин?

Фильм қаҳрамони оптимизм билан инсоний қадрқимматни, эзгулик, ҳушёрлик, лабдаги доимий табассумни барча мусибатлар оша олиб ўта олди.

Фильмни томоша қилиб, «Мардлик қирралари» китобини ўқиб, уларнинг муаллифи ва қаҳрамон қалбларининг ҳамоҳанглиги хусусида ўйлаб қолдим. Ф. Хўжаев Мирзачўл, Жиззах даштлари, уларни ўзлаштирувчилар билан 30 йилдан бери алоқада. М. С. Горбачев таъкидлаганидек, қайта қуриш нутқларга, митингларга муҳтож эмас, аксинча, унга хўжалигимизни бошқариш системаси амалда ўзгараётгани тўғрисидаги конкрет ижобий мисоллар бугунги кунда жудаям зарур.

«Сув тоққа оқади» фильмининг яратувчилари ва «Мардлик қирралари» очерклар китобини босиб чиқарган Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти бизга таништирган чўл қалдирғочи — Саттор Усмонов худди шундай намуна бўлди.

Ш. МУТАЛОВ.

Редактор
А. F. МУХТОРОВ.

ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

4 МАЙ

ЧОРШАНБА

● МТ I

7.00 «120 минут».
9.05 «Эртак бошланади». Мультфильм.
9.35 «Кукарача». Бадиий фильм.
11.05 Янгиликлар.
11.15 «Фидойи шахслар».

* * *

16.00 Янгиликлар.
16.10 «Қайта қуриш прожектори».
16.20 «Замондошимиз портрети». Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: **«Самони танлайман»** (Олмаота), **«Орзу йўлларидан»** (Боку).
17.05 Львов медицина институти «Горицвет» ансамблининг концерти.
17.45 «Мен, сен ва биз ҳаммамиз биргаликда».
18.30 «Агар соғлом бўлай десанг». «Корхонада физкультура».
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 **«Инсон ва қонун».** Инсон ҳуқуқлари ҳақида.
20.05 Катталар учун мультфильм.
20.10 **МТ экранида биринчи марта.** «Шаҳарни асраб қолган одам». Бадиий фильм («Мосфильм»).
21.30 **«Время».**
22.00 «Қайта қуриш прожектори».
22.10 В. Фёдоров поэзияси.
22.55 «Дунё воқеалари».
23.05 В. Шекспир. **«Бўрон».** Фильм-концерт премьераси. Г. Перселл музикаси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.

*

Ўқув программаси

9.15 «Элита» ҳаётидан саҳналар». Илмий-оммабоп фильм («Беларусьфильм»).
9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10-синф. ЭҲМ ўқишга ёрдам бермоқда.
10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 СПТУ ўқувчиларига. Оилавий турмуш этикаси ва психологияси. Бир-биримизга нима учун керакмиз? 1-кўрсатув.
11.35 Физика. 6-синф. Энергия ва иш.
12.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
12.35 «Цирк». Бадиий фильм.
14.05 «Катталар ва болалар». Телевизион ҳужжатли фильмлар.
14.55 Янгиликлар.
15.05 **Такрорий телефильмлар кундузги сеанси.** «К. Маркс. Навқиронлик йиллари». 6-серия.

* * *

18.35 Янгиликлар.
18.45 «Иринь-дарё тоши». Тош ўймакорлиги санъати ҳақида телевизион ҳужжатли фильм (Пермь).
19.00 **«Қишлоқ янгиликлари».**
20.00 Москва халқ чолғу оркестрининг чиқиши.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 «1988 йил қўшиқлари».
20.55 «Бу йўлларни биз ҳеч қачон унутмаймиз». Поэзия. С. Гудзенко.
21.20 «Қайта қуриш прожектори».
21.30 **«Время».**
22.00 Спорт программаси.
24.00 Янгиликлар.

● ЎзТВ

16.45 География. Ўзбекистоннинг табиий ресурслари ва уларнинг иқтисодий аҳамияти.
17.15 «Кемасозларнинг оддий иш кунлари». Телефильм.
17.30 «Қизиқарли математика».
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.50 **«Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи — 70 ёшда».** Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, армия генерали Н. И. Попов сўзи.
19.10 **Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг 70 йиллигига.** «Жанубий чегаралар посбонлигида» (рус.).
20.00 **«Ахборот»** (рус.).
20.15 «Оби шифо». Телефильм.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 «Кўҳна созлар». Музикали программа.
21.30 Москва. **«Время».**
22.00 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
22.10 **Экранда — кинокомедия.** «Ғаройиб бола».
23.40 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

Р — 13893. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. 1989. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12